O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **12** октябрь, жума № **41** (2220).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **12** октябрь, **2007** год, № **41** (2220).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Ватанни севмоқ - иймондандир. Ватан муҳаббати барчамиз учун бирдай муқаддас, бирдай ардоқли. Ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларига жо этган ҳарбийларимиз борки, бизнинг кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 13 октябрь мамлакатимизда Рамазон байрамининг биринчи куни сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 октябрь.

ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5-6 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

МДҲ мамлакатлари ўзаро иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга. Ташкилотнинг сўнгги саммитларида ҳамдўстликни ислоҳ қилиш кенгроқ муҳокама қилинадиган масала бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган МДҲ энди халқаро муносабатларнинг янгича асосдаги тамойилларига мослашиши керак.

Шу боис МДҲни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикрдир. Бу ҳамфикрлик ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, синалган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон. МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалари уйғунлиги уларни бир-бирига янада яқинлаштиради.

2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида МДҲ Ижроия қўмитасига ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Давлатлараро ишчи гуруҳи ташкил этиш ва мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса концепцияни тайёрлашнинг бориши кўриб чиқилди.

5 октябрь куни бўлиб ўтган Душанбе саммитида асосий диққат-эътибор МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига қаратилди. Музокаралар якунида президентлар томонидан мазкур икки ҳужжатнинг имзоланиши ушбу олий даражадаги учрашувнинг асосий натижаси бўлди.

Саммит қатнашчилари миграция билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиб, бу борада ўзаро келишилган сиёсат юритиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, саммитнинг якуний ҳужжатлари орасидан жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, террорчилик ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар жой олди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашига раҳбарлик Қирғизистон Республикасига ўтгани, Россия Федерацияси вакили Сергей Лебедев ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси раиси этиб тайинлангани маълум қилинди.

Душанбеда 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 3-бетда).

Синовларда тобланар профессионаллар

Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинганидан сўнг Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилган бўлиб, улар жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан танлаб олинган.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎзА.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Оқсаройда «General Motors Europe» («GME») компанияси президенти Карл Петер Фостер ва «GM Daewoo Auto & Tehnology» («GMDAT») компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.

Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири бўлган «General Motors»нинг «GME» компанияси Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаларида фаолият кўрсатади. 2007 йилнинг биринчи ярмида у 1,1 миллиондан зиёд автомобиль сотишга муваффақ бўлди. «GMDAT» компанияси эса «Buick», «Cadillac», «Chevrolet», «Holden», «Opel», «Pontiac», «Suzuki» каби кўплаб русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариб, 150 мамлакатга етказиб беради. «General Motors» компанияларининг маҳсулотлари орасида «Chevrolet» русумли автомобиллар энг харидоргир саналади.

«GME» ва «GMDAT» компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифи асносида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти негизида «Шевроле» автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича «GM Ўзбекистон» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳужжат уч русумдаги «Chevrolet» – «Captiva», «Epica» ва «Tacuma» автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан «General Motors» компаниялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани томонларнинг ҳамкорликка интилиши кучли эканлигидан далолатдир, деди.

Дарҳақиқат, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш юртимизда «General Motors» корпорациясининг автомобилсозликдаги илғор тажриба ва янги технологияларини ўзлаштириш имконини беради. «General Motors» эса Марказий Осиё ва Шарқий Европада ўзининг «Шевроле» русумли автомобиллари бозорини кенгайтиради.

«GME» раҳбари К.П.Фостер «GM Ўзбекистон»ни ташкил этиш жараёнида ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди. Янги қўшма корхона ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «GME» ва «GMDAT» компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 сентябрдаги Қарорига мувофиқ ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган ҳайкали лойиҳасини яратиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов шартлари:

1. Танловда профессионал ҳайкалтарошлар иштирок этадилар.
2. Яратиладиган эскизлар ўлчамлари ва ашёси муаллифлар ихтиёрига ҳавола қилинади.
3. Эскизлар шоиранинг бадиий сиймоси, руҳий-маънавий оламини ёрқин акс эттириши ҳамда юксак эстетик талаблар даражасида бажарилиши зарур.
4. Ғолиблар танлов ҳайъати томонидан аниқланади ва рағбатлантирилади.

Муддат: 2007 йил 10 ноябрь.
Барча зарур маълумотларни Бадиий академиядан олиш мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.
Телефон: 153-34-97.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАГУВЧИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ

Хато бир ишни қилиб қўйсак, «беайб Парвардигор», деб қўямиз, одатда. Билмайин босилган тикан, деймизу унинг оғриғини тез унутамиз. Бунга урғу бераётганимизнинг сабаби инсоннинг табиатан бузилишга мойилроқ бўлишини эслатиш. Тан олиш керак, қўйиб берса, манфаатларимиз йўлида табиат, жамият қонунларини четлаб ўтамиз, бузамиз. Айнан шунинг учун ҳам одамзодни эзгуликка чорлаб турувчи, яхши хулқ-атворга ундагувчи, ёмон нарсалардан тийилишга даъват этгувчи омиллар, ҳилқатлар зарур. Шу маънода диннинг аҳамияти беқиёсдир. Ахир, дин бизни ҳамиша эзгуликка, яхши хулқли, ахлоқли бўлишга, маънавий юксалишга ундаб туради, хато ишлардан тийилишга сабаб бўлади. Келинг, қутлуғ Рамазон ҳайити арафасида мавзуни миллатимизнинг ислом маданиятида тутган ўрни борасидаги фикрларга қаратайлик.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МУДОФАА ҚУДРАТИМИЗ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади», дейди Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида.

(Давоми 8-бетда).

2 КУЗГИ ЧАҚИРУВ – 2007
ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН

5 ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ
БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ ЮРАКДА УЙҒОҚ

9 ПОДПИСКА – 2008
НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»

11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ОНА-ЮРТ ХИЗМАТИГА ШАЙМИЗ ДОИМО

Якуний синов машғулотларида

ИЛҒОРЛИККА ИНТИЛИБ

Мана, мавсум ўқув машғулотлари ҳам якунига етиб қолди. Бутун мавсум давомида ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва жанговар-тактик тайёргарликлар бўйича ўз билим ва маҳоратларини ҳар томонлама сайқаллаб, ҳарбу зарб илми сабоқларини пухта ўзлаштирган посбонлар бугун синов ва имтиҳонларни топширишга киришган.

Офицер Фурқат Муҳаммеджонов етакчилик қилаётган гуруҳ ўғлонлари ҳарбий муҳандислик тайёргарлигидан имтиҳон топширяпти экан. Посбонлар тест ва оғзаки савол-жавоблар тарзида синовдан ўтказилмоқда. Ўғлонлардаги дадиллик, ҳар бир саволга ишонч билан қатъий жавоб беришларини кўриб, уларнинг тайёргарликлари юксак эканлигига амин бўлдик. Орадаги қисқа танафусдан фойдаланиб, уларни имтиҳон қилган офицер Ғанишер Яқубовга юзланамиз.

– Мазкур тайёргарлик бўйича посбонларимизнинг билимлари юқори даражада, – деди офицер. – Мана, савол-жавобларни ўзингиз ҳам кўриб, бевосита гувоҳ бўлдингиз. Улар мавсум давомида ўқув машғулотларини пухта ўзлаштириб боришганлиги яққол кўриниб турибди. Айниқса, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Элмирза Тошпўлатов ва Бобомурод Мардиевлар энг намунали ва билимдонлар сифатида эътироф этилиб, профессионал деган номга муносиб эканликларини амалда исботлашди. Шунингдек, иқтидорли ёш офицерлардан Илҳом Бердимуродовнинг натижаларига ҳам ҳавас қилса арзийди. Умуман, гуруҳ ҳарбий муҳандислик тайёргарлиги бўйича жанговар шай эканини исботлади.

Пешқадам посбонларга муваффақият тилаб, оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя тайёргарлиги бўйича синовлар ўтказилаётган машғулот майдони томон йўл оламиз. Бу ерда ўз касбининг устаси бўлган малакали офицер Турсун Бўриев имтиҳонларни қабул қиляпти. Офицер Мухтор Мамажонов етакчилик қилаётган гуруҳ ўғлонлари синовларга тайёр эканликларини билдиргач, газниқобни қоида бўйича белгиланган вақтда кийиш кўриги ўтказилди. Офицернинг буйруғидан сўнг тезкор ҳаракатлар бошланиб кетди. Буйруқ янграши билан бош кийимини чақкон ечиб, кўзларини чирт юмган ҳолда газниқобни энг биринчи бўлиб, белгиланган вақтдан ҳам олдинроқ кийиб олишга улгурган кичик сержант Аъзам Мингашаров имтиҳон қабул қилувчи офицер томонидан аъло баҳога муносиб топилди. Олдинда эса мазкур тайёргарлик бўйича синовларнинг навбатдаги босқичлари турибди.

Синов машғулотларини кузатиш давомида Ватан осойишталигини асрашдек эзгу ишга масъул бўлган ўғлонларнинг мазкур фандан ҳам тайёргарликлари юксак эканини англаб етдик. Чунки синовдан гуруҳнинг барча аъзоси ижобий натижа билан ўтишди. Бироқ илғорлар ичра энг илғор, саралар ичра сара деган гаплар ҳам бежизга айтилмаган. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аъзам Мингашаров ана шундай етук шунқорлардан эканини исботлади.

– Ҳарбий хизмат – ҳаётимнинг мазмунидир, – дейди муваффақиятдан руҳланган Аъзам ички бир ғурур билан. – Ўз шарафли номимга, миллий армиямизнинг профессионал посбони деган номга ҳар тарафлама муносиб бўлиш учун ҳамиша билим ва малакани ошириш пайидаман. Илғорликларга эришишимда устоз офицерлардан ўрганганларим, айниқса, сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиганим ғоят фойда бермоқда. Эзгу мақсадим, билдирилган юксак ишончни оқлаб, она Ўзбекистонимиз учун сидқидилдан хизмат қилишдир.

Шунингдек, гуруҳнинг бошқа посбонлари ҳам белгиланган вақтдан кечикмай вазифани уддалай олишди. Айниқса, кичик сержантлар Бекзод Ҳидиров, Низом Зияев ҳамда Абдувоси Эргалиевларнинг натижалари алоҳида эътироф этишга арзийди.

Посбонларнинг шунингдек, техник тайёргарлик бўйича ҳам кўникмалари юқори эканига синовлар жараёнида амин бўлдик. Бу фандан синовларни қабул қилган офицер Феруз Шарафуддиновнинг таъкидлашича, мазкур тайёргарликлар бўйича офицерлар Рустам Бобожонов ва Нуриддин Жанибеков ҳамда кичик сержант Абдурайҳон Тўхтаевлар энг илғорлардандир.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Олег ШАРИПОВ суратга олган.

Кузги чақирув – 2007

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН

Тошкент вилояти мудофаа ишлар бошқармаси йиғин пунктида чақирилувчиларни навбатдаги тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда чақирилувчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан вилоят мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи полковник Анвар Абдураимов Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар самараси бўлган қатор янгиликлар, ўзгаришлар, посбонлар учун яратилган шароитлар ҳақида тўпланганларга гапириб ўтди. Шунингдек, Ватан ҳимоясидек масъулиятли вазифани бажаришга бел боғлаган йигитлар эл назарида бўлишлари, юрт ишончини оқлаш эса ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи эканлигига алоҳида тўхталди.

Тантанали маросимда Оҳангарон тумани ҳокими ўринбосари Абдираҳим Низомиддинов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими бошлиғи Лазиз Ҳасанов, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими етакчиси Юлдош Эралиевлар сўзга чиқдилар ва йигитларга оқ йўл тиладилар.

Шу кунларда ҳеч кимнинг ҳаяжони боласини аскарликка кузатаётган она ҳаяжонидек кучли бўлмаса керак. Худди шундай кунларда йиллар елдирим каби зумда ўтиб кетганини англаб қоласан. Чақирилувчининг онаси Лаззат Ўразбоева ўз тилакларини шундай изҳор қилади:

– Аввало ўғлим ҳам Ватанни ҳимоя қилишдек қутлуғ ишга бел боғлаганидан мамнунман. Она сифатида бу ердаги аёлларнинг ҳаяжонлари менга бегона эмас. Мен умид қиламан, ишонаман, фарзандларимиз юзимизни ерга қаратишмайди. Ёруғ юз билан, янада улғайиб, йигитлик бурчларини шараф билан оқлаб, хонадонларимизни нурлантириб, кўнгилларимизни ифтихорга тўлдириб қайтишларига тилакдошман. Биз оналарингиз сизларга фақат ва фақат яхшиликлар соғиниб, дуойи жонингизни қилиб юрамиз. Йўлларингиз нурли ҳам ёруғ бўлсин!

Оналар ишончини оқлашга сўз бераркан, чақирилувчи Умиджон Каримов ҳам барча тенгдошлари номидан кўнглидаги оташин ниятларини изҳор қилди.

Бугун йиғин пунктлари ҳар қачонгидан кўра гавжум. Шу гавжумлик орасида таниш чеҳраларни кўриш янада кўнгилли. Газетамизни мунтазам ўқиб борувчи муштарийларимизга ҳарбий қисм оркестрининг бир гуруҳ тарбияланувчилари номи яхши таниш. Йилларнинг ўтишини қаранг, улар ҳам бир пасда аскарлик ёшига етиб қолибдилар. Бундан Рамеш Сафаров, Журъат Қурбоновларнинг қувончлари чексиз. Армия ҳаёти улар учун янгилик эмас. Улар қаерда бўлишса ҳам ўз бурчларини садоқат билан ўташларига шубҳа қилмаймиз. Мен кўплаб йигитларимиз қатори ана шу икки ўғлонга ҳам опалари каби чин кўнглимдан оқ йўл тилайман.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ЮКСАК ШАЙЛИК–ЮКСАК МАҲОРАТ

Маълумки, қисм ва бўлинмаларда 2006-2007 ўқув йили якуний синов машғулотлари бошланди. Демак, айни пайт йил давомида орттирилган билим ва тажрибани синовдан ўтказиш давридир.

– Побонларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси жуда юқорилиги сабаб қайд этилаётган натижалар қувонарли, – дейди жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонларни қабул қилган масъул офицер Баҳодир Тўхтаназаров.

Белгиланган спорт нормативларини тўғри ва бехато бажариб, тегишли назарий билимларга эга эканлигини намойиш қилган Ватан ҳимоячилари қаторида кичик сержантлар – Асадулла Даминов, Ойбек Жўраев, Абдували Мамиров, Жамшид Исмоилов, Олтинбой Қиличев ва капитан Ориф Раҳмоновларни тилга олиш жоиз.

Ҳаво десанти тайёргарлиги бўйича имтиҳон олган офицер Владимир Примовнинг фикри билан қизиққанимизда, кўрсаткичлардан мамнунлигини таъкидлади. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Баҳодир Олимов, Комил Бозорбоев, Бахтиёр Раҳимов ва Рашид Рўзиевларнинг машқ майдончасидаги саъй-ҳаракатлари «аъло»га лойиқ деб, эътироф қилинди.

Табиийки, якуний синов машғулотлари мобайнида юрт посбонларининг дала-ўқув шароитида машқларни бажаришига қараб жанговар шайликнинг қай даражада эканлиги-ю олинган назарий билимларнинг амалиёт билан қанчалар уйғунлиги ўзига хос кўрикдан ўтади. Демак, машғулотни бажаришда йўл қўйиладиган кичик хато ҳам ҳарбий хизматчининг нафақат шахсий, балки бутун гуруҳ ёки бўлинманинг умумий баҳосига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Буни теран англаб етган посбонлар жанговар топшириқни бехато бажариши аниқ.

Полигондаги ўқ отиш машғулотларида шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Абдуҳалим Темиров, Ғайрат Эшқулов, Исмоил Юсупов, Арслон Жумақулов ва катта лейтенант Абдусамат Норбоевлар белгиланган нишонларни аниқ ва бехато уришда сафдошларига ўрнак бўлдилар.

Суратларда: якуний синов машғулотларидан лавҳалар.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – ШАРАФЛИ БУРЧ

Қарши шаҳридаги вилоят йиғин пунктида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан чақирилувчиларни Ватан олдидаги бурчини бажариш учун дастлабки кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Унда муддатли ҳарбий хизматга отланаётган бир гуруҳ йигитлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Шуни айтиш керакки, чақирув комиссияларида бўлажак аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги билан бирга уларнинг интеллектуал қобилиятлари, касбий ва руҳий даражасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– Фарзандимни бўлажак аскарлар орасида кўриб, бир қувончимга ўн қувонч қўшилди, – дейди қаршилик Султонназар Ғойибов. – Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Қарори аскар ўғлонларимизга бўлган улкан эътибордан дарак беради. Мен ҳам аслида ҳарбийман. Фарзандларим ота изидан бориб ҳарбий соҳани танлашди. Учинчи ўғлим Ферузбек ҳам ҳарбий хизматга отланиб, оиламиздагилар кўнглини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари М.Ҳайитмуродов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер М.Эгамназаров, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Я.Иноятов ва бошқалар сўзга чиқиб, бўлажак аскарларга хизматни аъло даражада ўташлари ва Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлиб етишишларига тилак билдирдилар.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.
Муаллиф олган сурат.

САФДА САМАРҚАНДНИНГ САРА НОРЛАРИ

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида адолатли кўрик-танлов ҳамда тегишли синовлар асосида саралаб олинган энг муносиб ўғлонларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда кўплаб меҳмонлар иштирок этишди.

Йиғин пункти майдонида барчалари бир хил спорт либоси кийган, дилларида ғайрат-шижоат алангаси жўш урган чақирувчилар, забардаст норлар. Ёшлар Ватан хизматига йўл олган акаларига қараб, қалбида ҳавас, катталарнинг кўнглида ғурур ва фахр. Ниҳоят тадбир бошланди. Уни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Иркин Абдураҳмонов қисқача кириш сўзи билан очарканки, буюк соҳибқирон Амир Темур пойтахт қилган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанддан элу юрт осойишталигини асрашдек эзгу ишга йўл олаётган чақирувчиларга оқ йўл тилаб, ҳамма вақт юзлари ёруғ бўлишларини, билдирилган ишончни шараф билан оқлаб, қайтишларини тилади. Шунингдек, тадбир давомида сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ва ота-оналар ҳам Ватан ҳамиша мард ўғлонларига суянишини, бугунги кунда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сабаб, ҳарбий хизмат нуфузи ошгани ва хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларининг салмоғи ғоят юксаклигини, ўз навбатида шунқорларнинг бу каби эътибору ишончга муносиб бўлиб қолишларини таъкидлашди.

– Мен ички ишлар соҳасида хизмат қилганман, ҳозир пенсиядаман, – дейди чақирилувчи Муҳиддин Эрдоновнинг отаси нарпайлик Меҳриддин Эрдонов. – Мана бугун тўнғич фарзандим Ватан хизматига йўл оляпти. Унга қараб ўз ёшлигимни эсга оляпман. Мен ҳам осойишталик йўлида хизмат қилдим, энди ўғлим ҳам шарафли вазифага отланмоқда. Ота сифатида фарзандим камолини кўришдан беҳад бахтиёрман. Боламга ва барча дўстларига муваффақиятлар тилайман.

Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битирган Жаҳонгир Эшмуродов муносиб хизматлар билан юрт ишончини оқлашга сўз берди.

Тантаналар сўнгида ҳар бир чақирилувчига совғалар берилди.

Яшин КОМИЛОВ.
Олег ШАРИПОВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I.Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1 - Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг биноси, Нукус шаҳри, Унгал Татибоев кўчаси, 11-уй. Сайловчилар сони – 960,0 минг киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2 - Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони – 1531,4 минг киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

3 - Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони – 1485,1 минг киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

4 - Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 6-уй. Сайловчилар сони – 972,3 минг киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

5 - Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони – 609,8 минг киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

6 - Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – «Фарҳод» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони – 514,7 минг киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

7 - Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси вилоят бўлими биноси, Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони – 1283,1 минг киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

8 - Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 2-уй. Сайловчилар сони – 1724,3 минг киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

9 - Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 60-уй. Сайловчилар сони – 409,5 минг киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

10 - Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – «Сурхонэлектртармоқлари» корхонаси биноси, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй. Сайловчилар сони – 1107,5 минг киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

11 - Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони – 1597,2 минг киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

12 - Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят бўлими биноси, Фарғона шаҳри, Турсун Қамбаров кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони – 1803,6 минг киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

13 - Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – вилоят маданият бошқармаси биноси, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони – 894,7 минг киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

14 - Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили – «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони – 1404,2 минг киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

II. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 5 октябрь.

ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЕврАзЭС ва КХШТнинг саммитлари кўпинча бир вақтда ўтказилиши бу икки ташкилотнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Зотан, иқтисодий тараққиёт ва ривожланган интеграцияни хавфсизлик ва барқарорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаб келади.

2000 йил октябрь ойида тузилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини ташкил этиш жараёни бошлаб юборилган. Учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божхона тарифларини бирхиллаштириш ҳаракати фаол давом этмоқда. Ҳамжамият фаолиятининг самараси сифатида фуқароларнинг визасиз борди-келди тизими жорий қилингани, олий ўқув юртларига кириш, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби яратилиши билан боғлиқ кўплаб ижтимоий қулайликлар мавжуд. Айни пайтда аъзо давлатлар ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 70 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур кўрсаткич муттасил ўсмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Брест шаҳрида ташкил этилган биринчи Евроосиё ўйинларида ҳамжамият мамлакатларидан 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани, 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани гуманитар ҳамкорлик ривожланаётганидан далолатдир. Шунингдек, ЕврАзЭС ҳузурида тузилган Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, ҳамжамият суди, Евроосиё банки, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар ҳамжамият доирасидаги алоқалар қамрови нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.

ЕврАзЭСнинг Душанбе саммитида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини шакллантириш ва сув-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш концепциялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди.

Президентлар ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт иттифоқини ташкил этиш, аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, транспорт ва коммуникациялар бўйича халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. ЕврАзЭСни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси юзасидан фикр алмашдилар. Келгусида микроэлектроника, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа турдаги машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини ривожлантириш каби соҳаларда давлатлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг ижросига Евроосиё банки ресурсларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишга келишиб олинди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар, жумладан, Божхона иттифоқининг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи ҳужжатлар, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумий энергетика бозорини тузиш концепциялари, БМТ билан ҳамкорлик, Халқаро авиация қўмитасига ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомини беришга оид қарорлар қабул қилинди.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятининг 2007-2008 йиллардаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Коллектив хавфсизлик кенгаши мазкур ташкилотнинг олий органидир. КХШТ ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади. Президентлар мазкур органларнинг мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар. Ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Сессияда КХШТ доирасида тинчликни сақлаш билан боғлиқ фаолият механизмининг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш ҳамда ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Саммит якунида тинчликни сақлаш фаолияти, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар, Коллектив тинчликни сақлаш кучлари ва Тинчликни сақлаш операцияларини тайёрлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳга оид ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур икки саммит ЕврАзЭС ва КХШТни ривожлантириш ва уларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. МДҲнинг Душанбе саммити эса ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Душанбе – Тошкент.

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Республикамизда Президентлик сайловини ўтказишдаги ошкоралик тамойили борасида, унда иштирок этадиган кузатувчилар борасида қонунчилигимизда нималар кўзда тутилган?

Бекзод МУРОДОВ, талаба.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ги Қонуннинг 5-моддасида бу борада маълумот бериб ўтилган. Унга кўра, мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкоралик тамойили асосида амалга оширадилар. Яъни қонунда сайлов комиссияларининг фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлигидан, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан, шунингдек, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловга иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардор қиладилар.

Қолаверса, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши, сайлов қандай ўтаётганини мунтазам ёритиб бориши ҳам ошкоралик тамойилига хизмат қилади.

Кузатувчилар ҳақида эса тилга олинаётган моддада шундай ёзилган: «сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига камида ўн беш кун олдин маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссияларининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш».

Шу ўринда кузатувчиларга нималар ман этилиши ҳам газетхонларни қизиқтириши табиий. Тилга олинаётган Қонунга биноан кузатувчининг сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш хонасида бўлиши, сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки ababиётини тарқатиш, сайловчилардан улар кимга овоз беришаётганини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам бериш, участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш кабилар тақиқланади.

Мамлакатимизда Президентлик сайловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар таъминоти борасида маълумот берсангиз.

Кичик сержант Жамол БОЗОРОВ.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхона ва муассасалар ва фуқаролар ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий тарзда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Шерзод АЛИЕВ тайёрлади.

САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига нафақат мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, балки бевосита фуқаролар ҳам эга. Улар ўзларининг ушбу ҳуқуқидан сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузиш орқали фойдаланиши мумкин.

Тошкентда 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, 2007 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови таъсирчан демократик механизмнинг, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг ажралмас ва муҳим таркибий қисмидир. Унинг натижаси амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашувига таъсир кўрсатади. Шу сабабли Президентликка номзод кўрсатишда нафақат ижтимой гуруҳлар ва умуман аҳолининг манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар, балки алоҳида номзодларнинг ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга доир дастурларини қўллаб-қувватловчи фуқаролар ҳам бевосита иштирок этиши мумкин.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

Ислоҳотлар самараси

ШАКЛЛАНУВИМИЗ ЙЎЛИДАГИ УСТУВОРЛИК

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида миллий армиямиз шакллантирилиши йўлида ташланган муҳим қадамларимизни таъкидлар экан, юртимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, барқарорлигимиз, хавфсизлигимизни таъминлашда кадрлар масаласига, армиямиз сафларини миллий кадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишларини таъминлаш борасида қилинган ишларга эътибор қаратади. Ҳа, биз бу борада қанчалар тўғри йўлни танлаганимизни вақт, давр бугун кўрсатиб турибди.

Келинг, шу ўринда бироз ортга назар ташлаб, миллий армиямиз шаклланувининг илк босқичида кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ тизим қанақанги аҳволда эканлигини хаёлдан ўтказайлик. Маълумки, 1993 йилга қадар Тошкентда, Чирчиқда, Самарқандлагина олий ҳарбий билим юртларимиз бўлиб, улар ҳарбий мутахассисларга бўлган талабларимизни қониқтира олмасди. Дейлик, Тошкентда мотоўқчи бўлинмалари командирлари тайёрланса, Чирчиқда танк бўлинмалари командирлари, Самарқандда эса автомобиль бўлинмалари учун командирлар тайёрланарди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, давр мутахассисликлар турини кўпайтиришни тақозо этаётганди. Натижада 1993 йилда Тошкент электротехника ва алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ҳузурида Мудофаа вазирлигининг махсус факультети, 1994 йилда эса Марказий Осиёда ягона бўлган Қуролли Кучларимиз академияси, худди шу йилнинг ўзида Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди. Ислоҳотлар бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Қуролли Кучларимиз қурилиши талаблари, режаларидан келиб чиқиб, турли ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашнинг кўп тармоқли тизимига ўтилди. Билим юртларимизнинг факультетлар ва кафедралар сони ошиб, моддий-ўқув базалари такомиллаштирилди. Қуролли Кучларимиз академияси ва олий ҳарбий билим юртларимизда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, жанговар тактикаларни олиб боришнинг янгича усулларидан келиб чиқиб, ҳарбий фанлар мазмунига муайян ўзгартиришлар киритилди, ижтимоий фанларга ажратиладиган соатлар ҳажми оширилди, тизимга янгича ахборот технологиялари киритилди. Қисқаси, мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини беряпти. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усуллари кенг жорий этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун замонавий армияда хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик, ёки айрим жанговар тайёргарликлардаги маҳорат, дейлик нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қилади. Яъни ўғлонлар замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, бунинг учун юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳиятга интилиши, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатларини шакллантириши тақозо этилмоқда. Таниш офицерлардан бири Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таҳсил олаётган ўғли ясаган вертолёт макетини хизмат кабинетига қўйган экан. «Тўгаракка қатнашиб, конструкторликни ўрганаяпти, касбига меҳри янада шаклланяпти», деди ўғлидан фахрланиб. Дарҳақиқат, курсантларимиз тўгаракларда билим, дунёқарашларини кенгайтиришлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё. Икки йилча муқаддам Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида йўлга қўйилган янгилик борасида маълумот олгандим. Курсантни фикрлашга, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бўлаётган воқеаларга муносабат билдиришга ўргатишга йўналтирилганди, бу янгилик. Қувонарлиси, бу ўринда айрим анъанавий усуллардан бироз чекиниб, янгилик изланганида эди.

Таъкидлаётганимиз «Ёш жамиятшунослар» илмий тўгараги деб номланганди. Маълум бўлишича, мазкур илмий тўгарак курсантларнинг сиёсий билимларини кенгайтириб, дунёқарашини шакллантираётган экан. Аниқроқ қилиб айтганда, улар бундайин тўгарак орқали жамиятимизда, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бўлаётган муҳим ўзгаришлар, ислоҳотларга бефарқ бўлмасликка ўрганишяпти. Келинг, шу ўринда тўгарак аъзолари томонидан ўтказилган «Демократик жамият ва армия» деб номланган анжуманга эътибор қаратайлик. Анжуманда фақат билим юрти ўқитувчи ва профессорлари эмас, кўпроқ курсантларнинг ўзлари маърузалар қилишади. Аввало анжуманда кўзда тутилган мақсад белгилаб олинади. Шу маънода тилга олинаётган анжуман жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг ўрни, вазифаси, мақсадларига қаратилди. Кишилик жамияти тараққиётида демократиянинг ўрнини курсантлар ўз билим доиралари бўйича талқин этишди. Муҳими нимада? Аввало курсант – бўлғуси офицер мавзуга тайёрланиш давомида изланади, қўшимча адабиётларни топиб ўқийди, демократик тамойиллар ҳақида, ҳуқуқий-демократик давлат қураётганимиз ҳақида кенг тушунчаларга эга бўлади. Мана, масала моҳияти нимада?!

Хўш, кўп тизимли кадрлар тайёрлаш мутахассислар етиштиришнинг сифатига таъсир қилмаяптими? Бунга жавобни мутахассислар тайёрлаш тизимининг ўзига хос жиҳатларига бироз тўхталиш орқали жавоб топишимиз мумкин. Дейлик, командирлик профили бўйича оладиган бўлинса, курсант дастлаб қуйи бўғиндаги командирлик бўйича сабоқлар олади. Навбатдаги курсда эса дейлик гуруҳ командирлиги, учинчи курсда взвод командирлиги борасида кўникма, тажрибалар тўплайди. Сўнги курсда эса курсант взвод командирига бириктириб қўйилиб, тажрибалар ўрганади, батальон командирининг мажбуриятлари билан танишади, қўшинларда амалиётда бўлади. Кўриб турганингиздек, босқичма-босқич шакллана боради. Бу эса курсантда командирлик сифатларини тарбиялашда, унинг келгусида Қуролли Кучларимиз етук офицери бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шунингдек, олий ҳарбий билим юртларимиз ҳузурида ташкил этилаётган малака ошириш курслари ҳам кадрларни замон талаблари асосида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Бир сўз билан айтганда, бу борадаги ислоҳотларимиз самараси ҳарбий таълим тўғри йўлга қўйилгани, армиямиз учун миллий кадрлар тайёрлаш тизими замон талаблари асосида шаклланиб бораётганини кўрсатади.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.



Сурат редакция архивидан.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Заметки публициста

В РАМКАХ АКТИВНОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

Начиная социально-экономические и общественно-политические преобразования в стране, Президент Ислам Каримов в основу строительства нового независимого государства положил известные и полностью оправдавшие себя пять принципов знаменитой «узбекской модели» перехода к рыночным отношениям, одним из важнейших принципов которой является осуществление сильной социальной политики, ответственность государства по поддержке уязвимых в социальном плане слоев и групп населения.

Принцип активной социальной политики естественно вытекает из общей стратегии социально-экономических реформ, разработанных главой государства. Эта стратегия предусматривала формирование в стране не просто рыночной экономики, а **социально ориентированной рыночной экономики,** которая как раз и предполагает надежную социальную защиту и социальную обеспеченность наиболее уязвимых слоев населения. Реализуя эту стратегию, глава государства брал на себя ни с чем не сравнимую ответственность за судьбу страны. Она и сегодня последовательно и четко проводится в жизнь, защищая интересы народа.

Уже в первые годы независимости, для которых были характерны разрыв экономических связей, резкий спад производства, инфляция, рост безработицы, главной задачей государства было определено сохранение и поддержание действующих систем жизнеобеспечения всего населения, недопущение резкого ухудшения его материального положения, массового обнищания и обвальной безработицы.

Основными рычагами в этот период были регулярный рост заработной платы и систематические компенсационные меры. Что касается наиболее уязвимых слоев населения, то тут спектр социальных мер защиты был значительно шире. Были введены дополнительные льготы на приобретение товаров первой необходимости, на оплату коммунальных услуг. Значительно повышены размеры пенсий, пособий, стипендий. Введена система выплат пособий детям до 16 лет, организовано бесплатное питание детей до двух лет и беременных женщин, страдающих анемией, бесплатные завтраки для учащихся начальных классов и 50 процентов скидки со стоимости обедов для школьников и студентов.

Мерой огромного общественно-политического значения было введение нормированного отпуска важнейших для жизни видов продуктов питания по фиксированным ценам, а также введение порядка реализации ряда товаров по купонам, ограничивающим возможности утечки доступных по цене товаров за пределы республики. Большое внимание было уделено поддержке временно не занятым в производстве гражданам – безработным. Им выплачивалось социальное пособие. Такая политика полностью себя оправдала. Она обеспечила достаточный уровень жизни населения страны и не допустила нищеты.

В дальнейшем, по мере укрепления государства, назрела необходимость качественно нового этапа в осуществлении социальной политики и углублении механизма социальной защиты. И как следствие этого, государство перешло к целевой, адресной социальной защите. При этом социальная политика и меры по ее осуществлению синхронно сочетались с экономическими реформами в стране и выступали как их органическая составная часть. Изменились источники социальной защиты, изменилась и роль основных субъектов, участвующих в ней. Теперь ее осуществляет не только государство, но и хозяйствующие субъекты, фонды, махалли. Сегодня эта система отлажена, действует безотказно и с высокой эффективностью. Изменилась и психология трудоспособного населения – пришло осознание того, что хозяином своей судьбы, ответственным за свое благополучие, является сам человек, его труд, его целеустремленность и предприимчивость.

В основе нашего благополучия – рост экономики. За 16 лет независимости мы добились многого. В последние годы валовой внутренний продукт прирастает ежегодно на 7 – 9 и более процентов. И это еще не предел. Поэтому, выступая на торжественной церемонии, посвященной 16-летию независимости Республики Узбекистан, глава государства заявил: **«Критически оценивая наши успехи и достижения, не впадая в эйфорию, нам необходимо ставить перед собой более высокие рубежи и долгосрочные благородные цели, первостепенной же задачей, находящейся в центре постоянного внимания, было и остается повышение жизненного уровня и благосостояния народа».** И в рамках этого, как одну из первостепенных задач, он намечает повышение в течение ближайших трех лет размеров заработной платы рабочих и служащих, пенсий, пособий и стипендий в 2 – 2,5 раза.

Составной частью социальной политики государства является социальная защита и социальная обеспеченность военнослужащих. Надо особо подчеркнуть, что с первых дней независимости Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Каримов уделял социальным вопросам военнослужащих самое пристальное внимание. Даже в самые трудные первые годы независимости оно изыскивало возможности, чтобы систематически повышать денежные оклады военнослужащим всех категорий и, что особенно важно было в то время, своевременно и регулярно выдавать их. Тогда как в некоторых других странах СНГ выдача денежного довольствия военнослужащим задерживалась на многие месяцы.

Особое внимание социальным вопросам уделяется и в последние годы. Социальная защита и социальная обеспеченность военнослужащих рассматривается как важнейшая составляющая военной реформы. В докладе «Узбекистан: 16 лет независимого развития» глава государства говорил: **«Многое сделано в сфере социальной защиты, обеспечения военнослужащих и их семей необходимыми и жилищно-бытовыми условиями. Только за последние пять лет более чем в два раза были увеличены оклады по воинским званиям, выходные пособия при увольнении с военной службы».**

Это краткая оценка социальной обеспеченности военнослужащих Вооруженных Сил. Здесь следует подчеркнуть, что в улучшении жилищно-бытовых условий военнослужащих курс взят не просто на улучшение, а на создание комфортных социально-бытовых условий.

Улучшилось продовольственное обеспечение военнослужащих, повысилась калорийность солдатского пайка и его разнообразие, сегодня в солдатское меню, как обычная норма, включаются национальные блюда. В столовых и на кухнях, как правило, новое оборудование, новая мебель, новая посуда типа «Баттерфляй». Калорийность нашего пайка выше, чем в вооруженных силах соседних государств, в том числе и в России. Улучшилось вещевое снабжение, медицинское обслуживание. Внедрена очень удобная, кубриковая система проживания личного состава. **Все это результат заботы о Вооруженных Силах Руководства страны.**

> СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА И СОЦИАЛЬНАЯ ОБЕСПЕЧЕННОСТЬ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ РАССМАТРИВАЕТСЯ КАК ВАЖНЕЙШАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ВОЕННОЙ РЕФОРМЫ.

К этому добавим, что отслужившим срочную военную службу военнослужащим, имеющим соответствующие Рекомендации командования, установлены большие льготы при поступлении в вузы. Они получают 25 процентов дополнительных баллов от максимально набранного ими количества баллов при тестовых испытаниях. Как правило, эта норма вполне обеспечивает успешное поступление военного абитуриента в избранный вуз. Но если даже абитуриент не наберет необходимого количества баллов, он может быть зачислен в этот вуз на контрактной основе. И здесь ему на помощь приходит Общественное движение молодежи «Камолот». Оно будет оплачивать такому студенту 35 процентов суммы контракта в течение всего периода обучения при условии его активного участия в деятельности студенческих организаций ОДМ «Камолот». Большое общественно-политическое и социальное значение имеет тот факт, что в войсковых частях созданы все условия для подготовки воинов к поступлению в гражданские вузы. Для этого им отводится не менее четырех часов в неделю. А в вузах на бесплатной основе функционируют подготовительные курсы для абитуриентов из числа воинов, отслуживших срочную военную службу.

Все это, вместе взятое, неизмеримо повысило престиж военной службы, ее притягательную силу. Военная служба становится не только конституционным долгом каждого молодого гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране, школой выбора жизненного пути, определения своего места в обществе.

И самое главное – за время службы в армии происходит физическое и духовное возмужание молодого человека, формируется цельность его характера, активная жизненная позиция и постоянная готовность встать на защиту своей независимой Родины.

Новым проявлением заботы государства о своих вооруженных защитниках, их социальной защите и социальной обеспеченности явился Указ Президента страны «О повышении с 1 октября 2007 года размеров должностных окладов военнослужащим, проходящим срочную военную службу». Размер должностных окладов повышается в 1,15 раза. Указ главы государства направлен на дальнейшее повышение престижа военной службы, усиление материальных стимулов повышения эффективности учебно-боевой и общественно-политической подготовки военнослужащих срочной военной службы.

Что стоит за этим законодательным актом? Прежде всего в нем мы видим продолжение политики государства в деле дальнейшего усиления целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и **проявление заботы главы государства, Верховного Главнокомандующего о вооруженных защитниках Родины.** И вот эту заботу Президента нам надо передать командирам, от которых непосредственно зависит обеспечение солдат положенным им денежным довольствием. Хочется подчеркнуть, что эти деньги имеют целевое назначение и они должны найти своего адресата.

В этом вопросе, как ни в каком другом, мы должны быть педантичны и пунктуальны. И не надо сомневаться: солдат найдет им практическое применение.

Впереди у нас большая работа и более сложные, чем сегодня, задачи. Но мы должны добиваться новых успехов в боевой и общественно-политической подготовке, с новым пониманием стоящих задач и единой организованной силой.

Анфим ХЛЫЗОВ.

За строкой Указа Президента

ВДОХНОВЛЯЮЩИЙ СТИМУЛ

Указ Президента Республики Узбекистан «О повышении с 1 октября 2007 года размеров должностных окладов военнослужащим, проходящим срочную военную службу» вызвал широкий резонанс в рядах Вооруженных Сил нашей страны.

В Указе главы государства подчеркивается, что увеличение размеров должностных окладов военнослужащим срочной военной службы в 1,15 раза сделано в целях дальнейшего повышения престижа военной службы, усиления материальных стимулов повышения эффективности учебно-боевой и общественно-политической подготовки военнослужащих срочной военной службы.

Посланцы различных областей нашей Родины, проходящие срочную службу в армейских рядах независимого Узбекистана, постоянно ощущают на себе высокое внимание руководства страны. Оно выражается в обеспечении достойных условий прохождения службы, заботе государства о последующем трудоустройстве увольняемых в резерв, создании льготных условий отслужившим воинам при поступлении на учебу в высшие учебные заведения Узбекистана.

Весть о новом проявлении внимания руководства страны к вооруженным защитникам Родины накануне итоговой проверки за учебный год вдохновила личный состав. Многие воины пересмотрели свои личные обязательства по всем предметам боевой учебы, стремясь отличными оценками в ратном труде ответить на данный Указ.

У наших солдат немало стимулов для качественного освоения программы боевой и общественно-политической подготовки. Одни мечтают заслужить право остаться на службу по контракту, другие хотят заслужить нагрудные знаки за отличие в службе, третьи надеются на Рекомендацию для льготного поступления в вузы страны.

В этом перечне стимулов материальный – занимает далеко не последнее место, ведь по итогам сдачи проверки будет определяться должностное положение тех солдат, кто были призваны в армию этой весной. Да и увольняемым в резерв воинам далеко не безразлично, каким будет размер единовременного денежного вознаграждения, выплачиваемого им по итогам года армейской службы. Но самое главное – это чувство глубокого морального удовлетворения от сознания того, что дело защиты Родины высоко ценится в нашей стране.

Майор Орифжон ДЖУМАНАЗАРОВ.

Муносабат

МУНОСИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАДИЛАР

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллий армиямизни ҳар томонлама шакллантириш, қисм ва бўлинмаларни замонавий ҳарбий техника ҳамда қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, шахсий таркибнинг хавфсиз хизмат қилиш ва яшаш шароитларини юксак даражага кўтаришга оид кенг кўламли ишларга киришилганидан хабардор бўлганмиз. Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган вазифалар амалга оширилганини ҳам яхши биламиз.

Лекин ҳукуматимиз томонидан армияда хизмат бурчини ўтаётган фарзандларимизга бунчалик катта эътибор қаратилиши хаёлимизга ҳам кириб чиқмаганди, ҳатто. Ёшларнинг чақириққача тайёргарлиги, чақирилувчиларга яратилаётган имкониятлар, ҳарбий хизматчиларнинг кийиниш ва овқатланиш масалаларини айтмайсизми?!

Муддатли хизмат бурчини ўтовчи йигитлар учун яратилган ажойиб шарт-шароитларни кўриб кўзларимиз қувнаган бўлса, берилаётган имтиёзлардан бошимиз кўкларга етади. Улар ота-оналарининг ер солиғидан озод этилиши, хизматдан сўнг олий ўқув юртига ўқишга киришни хоҳловчилар учун тегишли фанлар бўйича қўшимча дарсларнинг ташкил этилиши, муносибларига Тавсияномалар берилиши шулар жумласидандир. Президентимизнинг жорий йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармони эса фикримизнинг ёрқин далилидир. Биз оқсоқоллар ишончимиз комилки, ўз йигитлик бурчини шарафла адо этаётган фарзандларимиз бу каби эътибор ва ғамхўрликларга аъло хизматлари билан муносиб жавоб қайтарадилар.

Бобомурод ҚУДРАТОВ,
меҳнат фахрийси.

Военные профессионалы

ВОЗВРАТИЛИСЬ С ПОЛИГОНА

Воины подразделения старшего лейтенанта Асрора Кадырова эффективно сочетают теорию с практикой в деле повышения профессионального мастерства личного состава. Недавний полевой выход стал еще одной важной вехой на этом пути.

Младшего сержанта Музаффара Шерназарова сослуживцы ценят и уважают не только как надежного товарища, но и, в первую очередь, как квалифицированного специалиста по огневой подготовке. Пулеметчик содержит в образцовом состоянии вверенное ему оружие, поэтому даже в напряженные моменты учебного боя его пулемет не дает сбоев.

В ходе отработки учебно-боевой задачи по установке засады на пути движения условного противника на плечи младшего сержанта М.Шерназарова ложится едва ли не самая ответственная миссия: остановить его продвижение кинжальным пулеметным огнем.

Выдвинувшись в заданный район, группа занимает огневые позиции. После долгих часов томительного ожидания воины наконец-то получают команду о том, что «противник» направляется по той горной тропе, которую они прикрывают. В сумраке ночи появляются едва заметные фигурки «боевиков». Вот теперь для младшего сержанта М.Шерназарова наступают самые ответственные минуты. Его пулемет работает безотказно. Очереди ложатся точно в цель.

Уверенно действуя по вводным командам руководителя занятия, воины изменяют огневые позиции, сжимая тесным огневым кольцом остатки сил условного противника. Надо не дать уйти «боевикам», и поэтому пулеметные очереди сливаются в унисон с выстрелами из автоматов, гранатометов и снайперских винтовок.

Победную симфонию горного боя быстро сменяет обычная тишина, а наше подразделение бесшумно и неприметно возвращается в базовый лагерь. И лишь на мишенях остались «следы» безупречно выполненной учебно-боевой задачи.

– Недавно военнослужащие данного подразделения успешно отработали свои действия на полосе психологической устойчивости, что положительно отразилось на достигнутых результатах в учебном бою, – комментирует офицер Алимжон Нурмухамедов. – Совершенствование учебной материальной базы позволяет с высоким качеством готовить военных профессионалов ко всем грядущим испытаниям.

Возвратившись с полигона, воины передового подразделения отправились выполнять новую учебную задачу. В дни подготовки к итоговой проверке ритм боевой учебы только возрастал, ведь необходимо было во всем блеске проявить все знания и навыки, обретенные за учебный год.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

● Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи

МАШҒУЛОТДА ЧИНИҚАДИЛАР

Офицер Бахтиёр Хўжаев хизмат қилаётган жамоа посбонлари доимо ўқув мавсуми машғулотларида муваффақиятли иштирок этиб келишаётганлиги боис, улар ҳақида илиқ фикрлар билдирилади. Сабаби жамоа сафида ҳарб илмини мукаммал биладиган, юрт мудофаасини ҳар нарсадан устун қўядиган алпкелбатли ўғлонлар кўплаб топилади. Улардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шавкат Очиловдир. Взводнинг етакчи кичик командирларидан бўлган шунқор зукколиги ва кези келганда сафдошларидан ўз ёрдамини аямаслиги билан жамоада ажралиб туради. Бугунги таҳликали замон эгнига ҳарбий либос кийган ҳар бир посбондан нафақат касб сирларини мукаммал билишни, балки замонавий жанг санъатини ҳам пухта эгаллашни талаб этади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, изланаётган посбон бу борадаги билимларини такомиллаштириб бормоқда. Ўтган ўқув мавсумида юқори натижаларни қайд этган йигит айни пайтда ҳам илғорликни қўлга киритишга аҳд қилган. Шунқорни машғулотларда кузатсангиз, ҳарб илмига уқуви юксак эканлигини тезда англаб оласиз.

Кўриқланаётган объект ҳудудида шартли душман аниқланиб, ушбу хавфни бартараф этиш вазифаси кичик сержант Шавкат Очилов ҳамда унинг қўл остидаги посбонлар оддий аскарлар – Акбар Тиллаев, Дилшод Эгамқуловларга топширилди. Посбонлар белгиланган режага кўра ишга киришишди. Қисқа фурсат ичида мавжуд хавф бартараф этилиб, шунқорларнинг жанговар маҳорати аълога баҳоланди. Доимо машғулотларда тобланиб, маҳорати сайқалланиб бораётган посбон ўқув йили якуний натижаларига кўра ҳам илғорлар сафидан жой олиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

– Кичик сержант Очиловни бугуннинг профессионали сифатида тилга олсак, ҳеч қандай хато қилмаймиз, – дейди биз билан суҳбатда офицер Илҳом Мамажонов. – Бир неча йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаётган йигит аллақачон ўз соҳасининг билимдони сифатида жамоамизда танилиб улгурган. Етакчилик қобилиятига эга посбон кичик командир сифатида қўл остидагиларни моҳирона бошқариш баробарида ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам оқилона қарор қабул қилиш хусусиятига эга.

«Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!» шиори остида ўтган ўқув мавсуми машғулотларини юқори савияда якунлашган жамоа посбонлари ҳар бир машғулот ва синовга жиддий тайёргарлик кўришади.

– Ҳар қандай шароитда ҳам юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашимиз учун чиниққан ва жисмонан бақувват бўлмоғимиз керак, – дейди кичик сержант. – Тўғри, тинимсиз машғулотлар ҳар қандай посбонни ҳам толиқтиради. Лекин кундик қонимиз тўкилган шу мўътабар замин фаровонлиги, унда яшаётган бағрикенг халқимизнинг осуда ҳаёт кечириши йўлида хизмат қилаётганингни ўйласанг, барча чарчоғу ҳорғинликлар сени бир зумда тарк этиб, янги-янги гайрату шижоатга ундайди.

Тажрибали кичик командир мунтазам равишда ўз тажрибаси ва билимларини посбонларга ўргатиб боради. Кези келганда эса улардан талаб қилади. Миллий армиямиз сафларидаги қалби шижоатга тўла мана шундай довюрак посбонларнинг маҳоратини кузатиб, дил сўзларига қулоқ солар экансиз, Қуролли Кучларимиз қудрати янада мустаҳкамланиб бораётганига яна бир бор амин бўласан, киши. Ҳа, сафларда кичик сержант Шавкат Очилов сингари оташқалб ўғлонлар кўп экан, она диёримиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Комил БАҲОДИРОВ.

ЕТАКЧИ КИЧИК КОМАНДИР

Айни пайтда якуний синов машғулотлари давом этмоқда. Бундай масъулиятли дамда ҳар бир посбон нафақат ўзининг, балки жамоасининг ҳам пешқадамлар сафидан жой олиши учун бор куч ғайратини аямаслиги шубҳасиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зафар Бобомуродов расчёт командири вазифасида хизмат қилади. Ҳарбий жамоанинг етакчи кичик командирларидан ҳисобланган посбоннинг миллий армиямиз сафида хизматини бошлаганига у қадар кўп вақт бўлмаган эса-да, ҳарб илмига бўлган иштиёқи, изланиши йигитни ҳақиқий профессионал посбон сифатида жамоага танитди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейилади: «... Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

Албатта, бу фикрни сўнгги йилларда миллий армиямиз сафларига муддатли ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш танлов орқали амалга оширилаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. 2002 йил Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетини испан ва инглиз тиллари таржимонлиги мутахассислиги бўйича тугатган Зафар йигитлик бурчини ўташ мақсадида Қуролли Кучлар сафига отланди. Муддатли ҳарбий хизмати мобайнида ҳарб илми бўйича касб маҳоратини оширган йигитга борган сари ҳарбийлик манзур бўла бошлади. Ҳаёт мактаби аталмиш армия сафида мутахассисликни эгаллаб, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниққан ўғлон, ҳаётини армиясиз тасаввур қила олмаслигини англаб етди. У ўз қароридан ота-онасини воқиф қилганда Жўрақул ака ва Тилак опа аввалига бироз эътироз билдиргандай бўлишди. Лекин фарзандининг мақсади қатъийлигини англашгач, қалбида ватанпарварлик туйғуси жўш урган дилбандининг хизмат жойи айнан армия сафлари эканлигини тушуниб етишди.

Бугун сержантлар таркиби миллий армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланиб бораётгани кўпчиликка сир эмас. Қолаверса, замонавий жанговар ўқув базаларига эга сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил олиб қайтган профессионалларнинг сафлардаги маҳорати бугун барчани ҳайрон қолдиради. Уларга нисбатан бежиз аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, деган баҳо берилмаган. Зафар 2005 йил сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб қайтгач, малакали ва қобилиятли посбон сифатида унга янада масъулиятли вазифа топширилди. Қатъиятли ва тиришқоқ йигит ўқув мавсуми машғулотлари мобайнида бу ишончни оқлаб келмоқда. Айни дамда ўзи хизмат қилаётган ҳарбий жамоада энг илғор кичик командирлардан бири сифатида тилга олинади.

– Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз таркибини замон талабларига жавоб бера оладиган, кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган кичик командирлар билан бутлаш ҳар қачонгидан долзарбдир, – дейди офицер Илҳом Мамажонов биз билан суҳбатда. – Чунки армиянинг қудрати замонавий техникалар билан бир қаторда малакали посбонларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда сафимизда кичик сержант Бобомуродов сингари профессионаллар кўпайиб бораётгани бизни хурсанд қилади, албатта. Боиси, ўқув мавсуми машғулотлари пайтида уюшқоқлик, мураккаб вазиятларда ишончли хатти-ҳаракат, буйруқ ва кўрсатмаларни айнан ана шундай шунқорлар аниқ ва белгиланган вақтда амалга оширишмоқда.

– Дарҳақиқат, айни пайтда муқаддас заминимизда яшаётган, мамлакат тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишлари талаб қилинади, – дейди кичик сержант Бобомуродов. – Мамлакатимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган посбонлар эса ўқув машғулотларида жанговар тайёргарлигимизни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юртимизни ишончли ҳимоя қила олишлари даркор.

Қизғин машқларда тобланиб, маҳоратини шакллантириб келаётган ҳарбий жамоа посбонларининг ҳар бири ўз вазифасининг нимадан иборат эканлигини жуда яхши билишади. Шу боис ҳам кичик командир қўл остидаги посбонлар – оддий аскарлар Акмал Қосимов, Мингбой Сушнатиллаев каби алп келбатли ўғлонлар билан ҳарбий қисмда доимо етакчилар сифатида тан олиниб келинмоқда.

Армияда спортнинг ўрни беқиёс. Буни яхши англаган кичик командир Зафар Бобомуродов машғулотлардан бўш вақтида спорт шаҳарчасига ошиқади. Енгил атлетика, футбол, спорт турлари унинг энг севимли машғулотларидан ҳисобланади. Шу боис ўғлон ҳарбий қисмда уюштириладиган спорт мусобақаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиб келади. Айни пайтда жанговар тайёргарлик билан бир қаторда спорт билан ҳам мунтазам шуғулланиб, маҳоратини ошириб бориш юрт осойишталигига камарбаста бўлган посбонлар учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини қўл остидагиларга ҳам тушунтириб келади.

Келажакда малакали офицер сифатида миллий армиямиз тараққиётига ўз улушини қўшишни истаган йигит бугун жанговар сафда ўз маҳоратини намоён қилиб, командирларининг ишончини оқлаб келмоқда.

Сейман НАЗАРОВ.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат

ЮРТ ИШИГА ҲАМИША ШАЙМАН

Ватанга хизмат қилиш, унинг мудофаасини таъминлашга ҳисса қўшиш йигит кишининг бурчи. Мустақил юртимиз сарҳадларини бугун мард ўғлонларимиз ҳимоя қилиб келишмоқда...

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат (СЧР)нинг ташкил этилиши ўқиш ёки ишдан ажралмаган ҳолда йигитлик бурчини ўташ истагида юрганларга айни муддао бўлди, десак адашмаймиз. Бир ой давомида СЧР йиғинида, ўқув машғулотларида иштирок этган ҳолда ҳарбий гувоҳномага эга бўлиш, албатта, катта қулайлик яратди. Ҳақли савол туғилади: йиғинда қатнашаётганлар ушбу қисқа вақт давомида ҳарбий билимларни ўзлаштира оладими?

Тақдир тақозоси билан сентябрь ойида биз сафарбарлик чақирув резервидаги хизматнинг ойлик йиғинида хизмат ўтаб қайтдик. Таассуротлар бир талай. Йиғин давомида миллий профессионал армия тушунчаси, ҳарбийлар ҳаёти, саф тайёргарлиги, жанговар шайлик, ҳарбий соҳа сир-асрорларини қунт билан ўргандик. Саф билан бир текис юрганда кишининг қалби ғурурга тўлар экан. Мен ҳам аскар бўлдим, ота-онамни, яқинларимни ҳимоя қилишга қодир эканман, деган туйғу янада олға ундайди, босилаётган қадамларнинг шахдам бўлишини таъминлайди.

Жанговар қуроллардан фойдаланиш дарслари, айниқса, катта таассурот қолдирди. Дала машғулотларига борган кунимизни ҳеч ким эсдан чиқармаса керак.

Автоматларнинг қулоқни қоматга келтирувчи товуши, порох ҳиди аскарларни ҳар томонлама тоблади. Ҳарбий округдан келган мутасаддилар, фахрий ҳарбийлар билан бўлган суҳбатлар кечки овқат маҳалигача чўзилиб кетади.

Дарс машғулотларида офицерлар томонидан ҳарбий фанлар ўтилиши билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик чуқур ўргатилади. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро ва бошқа аждодларимизнинг миллий озодлик йўлида қилган қаҳрамонликлари ҳақида аскарлар жон қулоғи билан тинглашди. Ҳафтанинг дам олиш кунлари жудаям кўнгилли ўтди, дейиш мумкин.

Кимдир спорт мусобақаларида иштирок этса, яна кимдир бадиий китоб ўқиш билан машғул бўлди. Ётоқхонада ўрнатилган телевизор орқали мамлакатда содир бўлаётган муҳим воқеалар билан танишдик, «Ватанпарвар» кўрсатувини мунтазам кузатиб бордик. Шанба ва якшанба кунлари ота-она, ёру биродарлар билан кўришишга рухсат берилди. Яқинларимиз олдига чиққанимизда даставвал ўзбекчиликка хос қизиқиш билан сўроққа тутишади. «Армиянинг шароити яхшимикан, овқатлари-чи? Қорнинг тўйяптими ишқилиб, болам?»

Тўғрисини айтиш керак, бизга яратилган шароит кўпчиликнинг уйида ҳам мавжудмас. Янги таъмирдан чиқарилган ётоқхона, ювиниш хоналари, озода анжомлар кўнгилни хотиржам этиб хизмат қилишга қаратилган. Албатта, ҳарбий интизомлар ҳар хил шароитдан келган йигитларга бирдай мос келавермайди. Ҳаммаси аниқ вақт билан, кун тартиби асосида кечади. Овқатланишдан тортиб, пойафзал тозалашгача дақиқалар билан ўлчанган. Дастлабки икки-уч кунда машаққатдай туюлган кун тартиби бир ҳафта ўтмасданоқ аскарларга маъқул келиб қолди. Тўғри-да, қачон нима қилишни аниқ биласан, мавҳумлик йўқ. Ўз вақтида уйғонасан, вақтида уйқуга ётасан. Эрталабки бадантарбия соғлом бўлишда катта ёрдам берди.

Бир ой давомида нафақат гуруҳимиз, балки взвод аскарлари бир-бирлари билан қалин дўст, ака-ука бўлиб кетдилар. Орамиздаги аҳиллик хизмат машаққатларини бирга енгишга ёрдам берди. Келгусида ҳам алоқаларни узмасликка келишиб олдик.



Ҳарбий қасамёд кунини катта ҳаяжон билан кутиб, қизғин тайёргарлик кўрдик. Хизматимиз ниҳоясида биз офицерлар, ҳарбий хизматчилар, ота-онамиз ва яқинларимиз, ташриф буюрган меҳмонлар гувоҳлигида халқимиз ва Президентимизга содиқ бўлишга, сўнгги нафасимиз қолгунча мустақиллигимизнинг ҳимоячиси бўлиб, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдик. Қасамёд қабул қилар эканмиз, бир ойлик йиғин ҳаётимизда туб бурилиш ясагани, Ватанни ҳимоя қилишга ҳар ерда тайёр эканимизни ҳис қилдик.

Ўз навбатида хизматимизнинг юқори даражада ташкил этилишида батальон командири капитан У.Давроновнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Б.Азимовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жанговар тайёргарлик, ҳарбийлик сир-асрорларини ҳафсала билан ўргатган, аскарларга ота-оналардай ғамхўрлик кўрсатган взвод командири, катта лейтенант Ш.Низомов, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Б.Расулов, лейтенантлар – Б.Нарзуллаев, А.Исмоилов, катта сержант Ҳ.Хоринов, сержантлар – Ш.Эгамов, А.Тешабоев, Ш.Ривожиддиновларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уларнинг машаққатли ва ўта шарафли касбий фаолиятига муваффақият, оилавий тинчлик-тотувлик, юртимиз ривожи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларига омад ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Қобилжон АҲМЕДОВ.
Сурат редакция архивидан.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилингани алоҳида таъкидланди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этишга оид жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ёритилишини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Олий хўжалик суди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов, "Ёшлар" телерадиоканали бош муҳаррири Ғ. Жамолов, Германиянинг Бремен шаҳар суди судьяси Б.Гардхауз ва бошқалар Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясини юксак даражада ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, одамлар қонунларни қанчалик яхши билса, уларнинг амалда таъминланиши кафолати янада ортади. Ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда унинг шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш долзарб масалалардандир. Табиийки, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларининг мазкур йўналишдаги фаолияти, ахборотларнинг холислиги масалалари таҳлил қилинди. Оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, таъсирчан ёндашувларни қўллаш орқали суд-ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисида фуқароларни холис, тўлиқ ва ўз вақтида хабардор қилиб боришга эришиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Огоҳлик – давр талаби

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ ЮРАКДА УЙҒОҚ

Айни кунларда барча ҳарбий жамоаларда масъулиятли, жиддий синов палласи бошланди. Якуний синов машғулотлари бир йиллик қизғин жараённи сарҳисоб қилмоқда. Лейтенант Иззат Юсуфалиев гуруҳи ҳам синов машғулотларига астойдил тайёргарлик кўрди. Улар мазкур синов машғулотларини муваффақиятли якунлайдилар, дейишимизга тўла асос бор. Чунки гуруҳ ўтган ўқув жараёнининг ойлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларни давомли равишда намойиш этиб келади.

Бу албатта ўз-ўзидан бўлиб қоладиган муваффақият эмас. Бунда жамоанинг аҳиллик билан, елкама-елка туриб хизмат қилишлари катта аҳамият касб этади. Жамоа тажрибали, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган посбонлардан иборат. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Омонов ҳам ана шундай маҳоратли посбонларнинг бири. У ҳақда гуруҳ командири офицер Иззат Юсуфалиев шундай дейди:

– Кичик командирларга миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи деган юксак эътироф, баҳо бежизга берилмаган. Улар офицерларнинг энг яқин кўмакчилари ҳамдир. Масъулиятли вазиятларда кичик сержант Шуҳрат Омонов ўз касбининг пухта билимдони эканлигини бир неча бор намойиш этиб келган. Унинг нуқсонсиз хизмати биргина ўзининг эмас, балки каттагина жамоанинг ҳам муваффақиятини таъминлайди.

Жиззах вилоятининг Янгиобод маҳалласида вояга етган посбон йигит ҳунар техника билим юртида таҳсил олган. Армияда хизмат қилаётганига ҳам ўн йилдан ошиб қолди. Ўтган йиллар давомида моҳир алоқачи посбон сифатида барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларимизда анъанага айланган «Энг илғор мутахассис» танловида ҳам бир неча бор иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган.

Бугунги кунда ҳушёрлик, огоҳлик давр талабига айланган. Посбонлар учун бу нарса ҳаёт тарзига айланган, десак муболаға бўлмайди. Кичик сержант Шуҳрат Омоновнинг ҳушёрлиги туфайли ҳарбий қисм ҳудудига киришга уринган тартиббузарлар ҳаракатининг олди олинди. Посбонлик бурчига садоқат ва масъулият билан ёндашган кичик командирнинг бундай огоҳлиги муносиб баҳоланди. Унга Мудофаа вазирининг қимматбаҳо эсдалик совғаси тантанали суратда топширилди.

Синов ўз номи билан синов-да. Унда посбон хизмат фаолиятининг барча қирралари синовдан ўтиши керак. Ўтганда ҳам посбонлик шаънига муносиб равишда бўлиши керак. Жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳам Шуҳрат юқори кўрсаткичларни намойиш этиши табиий. Чунки у жамоада энг яхши волейболчи ҳисобланади. Бу ерда спорт билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилган. Барча қулайликларга эга спорт шаҳарчаси, спорт зали – булар ҳамиша посбонлар билан гавжум.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида эса ҳамиша фаол посбонлар сафида бўлиб келади. Жанговар тайёргарлик-чи, дерсиз. Бу ахир фаолиятининг асосий қисми, ҳаётининг бир бўлаги ҳисобланади-ку. Бундай ҳолатда энг юксак марралар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Ҳарбий техникани асраш, ҳамиша жанговар шай ҳолатда тутишда ҳам у сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Барчамиз учун масъулиятли дамларда ҳарбий жамоамиз барча тайёргарликлардан аъло натижаларни кўрсатади, деб ишонаман, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Омонов. – Чунки бизнинг жамоада ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйган, бурч туйғусини ҳамма нарсадан устун қўювчи фидойи посбонлар хизмат қилишади. Сафдошларим кичик командир Сайфиддин Мўминов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Абдурашид Аҳмедовлар намунали хизматлари туфайли кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқдалар. Улар каби сафдошларимиз номини кўплаб келтириш мумкин. Шуниси муҳимки, ҳар биримиз бизга ишониб топширилган масъулиятли вазифани садоқат билан бажаришга астойдил интилиб хизмат қиляпмиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Экономия и бережливость

СБЕРЕГАТЬ ПРАВИЛЬНО, ИСПОЛЬЗОВАТЬ УМЕЛО

Обучение и воспитание военнослужащих в Вооруженных Силах неразрывно связано с обслуживанием и эксплуатацией боевой техники и оружия. Именно в процессе ухода за боевыми машинами, на занятиях по вождению, во время стрельб, на тактических учениях воины по-настоящему овладевают различными видами вооружения. При этом очень важно, чтобы техника не только умело использовалась, но и правильно сберегалась. Ведь от этого непосредственно зависит боеспособность и боевая готовность частей и подразделений.

В докладе Президента Ислама Каримова на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященном 16-й годовщине независимости Узбекистана, сказано, что в ходе выполнения долгосрочной программы реформирования армии, которая была сформирована на новых принципах строительства и организации Вооруженных Сил, учете реальных угроз и вызовов безопасности, были реализованы комплексные меры по укреплению материально-технической базы, оснащению войск современными видами вооружения и техники.

Сегодня на вооружение армии поступает сложная, дорогостоящая военная техника, основанная на последних достижениях компьютерных технологий, требующая высококвалифицированного обслуживания. Если она будет эксплуатироваться неправильно и преждевременно выйдет из строя, то государству будет нанесен двойной ущерб – потребуются новые финансовые затраты на восстановление утраченного, и снизится боеспособность данного подразделения. Да, Республика Узбекистан обладает колоссальными природными богатствами и ресурсами. И задача каждого гражданина не в бездумном их потреблении, а в приумножении богатства страны, его бережном и экономном расходовании.

Мы говорим о необходимости рачительно, похозяйски относиться к каждому килограмму металла, угля, цемента, каждому суму денежных средств, а тем более к вверенной военнослужащему дорогостоящей военной технике и оружию. Воспитание бережливости должно стать важнейшей составной частью воспитательной работы в подразделении. Ведь неграмотная, небрежная эксплуатация техники и оружия в конечном итоге становится причиной поломок и аварий, а в условиях реального боя может привести к срыву поставленной боевой задачи.

Отсюда следует, что халатность в обслуживании боевой техники граничит с преступлением. Вот почему от каждого военнослужащего сегодня требуется строжайшее соблюдение требований наставлений, руководств и инструкций по хранению и обслуживанию боевой техники.

Для ухода за боевой техникой отводится необходимое время. Кроме того, регулярно проводятся парково-хозяйственные дни, организуется техническое обслуживание техники после занятий и учений, осуществляется перевод техники с одного режима эксплуатации на другой. Во время выполнения задач по эксплуатации и сбережению техники важнейшую роль играют личный пример и лидерские качества офицеров и особенно сержантов. Ведь младшие командиры ближе всех находятся к солдату, им доверяется самая сложная боевая техника, они должны доводить до подчиненных требования уставов, наставлений и инструкций, воспитывать у них бережное отношение к техническим средствам и предметам вооружения.

В зависимости от особенностей имеющейся на вооружении техники и специфики выполняемых задач в подразделениях по-разному организуется работа по обеспечению безаварийной эксплуатации техники, экономии моторесурсов, горючего и смазочных материалов. Важна также работа по увеличению межремонтных пробегов автомобилей, сбережению автомобильных шин и аккумуляторных батарей. С целью повышения чувства ответственности за выполнение поставленной задачи проводится информирование каждого военнослужащего о целях и сроках работ, доводятся соответствующие положения уставов, руководств, наставлений о порядке технического обслуживания. Важнейшую роль играет каждодневное соблюдение мер безопасности. Организации соревнования за качественное и своевременное выполнение работ способствуют как соревнование экипажей и подразделений на каждом этапе обслуживания техники, так и конкурсы на лучшее сбережение машин и экономию материальных ценностей.

Выступления офицеров технической службы, рассказы о своем опыте лучших механиков-водителей, внедрение современных методов изучения и сбережения техники, популяризация через боевые листки, стенные газеты и средства массовой информации отличившихся воинов, экипажей, подразделений способствуют повышению интереса личного состава к итогам своего труда.

Хорошее воспитательное значение имеет участие, с разрешения командира, сержантов и солдат в проверке результатов обслуживания техники и экономии материальных средств в своем и соседних подразделениях.

Новейшая боевая техника и оружие, которыми сегодня оснащены Вооруженные Силы, составляют материальную основу боевой мощи нашей армии. Большинство специалистов, владеющих ею сегодня, – военнослужащие-профессионалы, любящие свою технику, уверенные в ее силе и безотказности. Если каждый из них применит свои знания и опыт для максимально эффективного ее использования, то это даст не только ощутимый материальный выигрыш, позволит сэкономить большие народные средства, но и значительно повысит боевую готовность каждого воинского подразделения.

Владимир КАЛОШИН.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

Мазкур янги рукн орқали ўзларингизни қизиқтирган саволга ҳарбий адлия тизими ходимлари томонидан жавоблар олишингиз мумкин. Бу ҳуқуқий саводхонлигингиз, ҳуқуқий маданиятингиз янада ошишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўташнинг қандай турлари мавжуд?

Фурқат МУРОДОВ, талаба.

2002 йил 12 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қуйидаги ҳарбий хизмат турлари:

– муддатли ҳарбий хизмат;

– сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;

– контракт бўйича ҳарбий хизмат.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати жорий қилинган.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларда муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақирилади.

Шунингдек, ҳозирги кунда муқобил хизмат тури ҳам мавжуд бўлиб, юқорида қайд этилган қонуннинг 37-моддасига кўра, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқароларнинг диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турадиган фуқаролар ҳарбий хизмат ўрнига муқобил хизматни ўтайдилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинча яшаётган бошқа давлат фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўташи мумкинми?

Оддий аскар Беҳзод РАСУЛОВ.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида, умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Муддатли ҳарбий хизматни ёки муқобил хизматни ўташдан бош тортган фуқароларга нисбатан қонунда қандай жазолар белгиланган?

Кичик сержант Обид ҲОЖИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 237-моддасида муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олинишдан ёки хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида ўташдан бўйин товлаган фуқаролар энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдоридаги жаримага тортилиши белгиланган. Худди шундай ғайриқонуний ҳаракатларини такрорлаган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 225-моддасига кўра 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 225-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаган фуқароларга уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси.
Қонунчилик тарғиботи тармоғи.

Фармон ва ижро

ИПОТЕКА КРЕДИТИ - ЁШ ОИЛАЛАРГА КЎМАК

Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони янги оилаларга микрокредит, ипотека ва истеъмол кредитларининг имтиёзли асосларда берилишида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу фармон ёш оилаларнинг меҳнат фаолиятини бошлаши ва оила қуришида зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбааларини шакллантириш омилларини яратиш ҳамда уй-жой ва маиший шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

– Кредит олиш бунчалик осон бўлади деб ўйламагандим, – дейди тошкентлик Дилшод Яминов. – «Ипотека-банк»ка мурожаат қилиб, зарур маълумотларни олдим. Банк ходимлари ёрдамида тегишли ҳужжатларни тайёрладик. Ажратилган 15 миллион сўмга ўз жамғармамиздан бироз қўшиб, Қорақамиш даҳасидан икки хонали уй сотиб олдик.

Кредит ажратишда бир қатор имтиёзлар жорий этилган. Жумладан, иш ҳақи ва бошқа даромадлардан шахсий уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитларини қоплашга йўналтирилган сумма солиққа тортилмаслиги ёш оилаларга катта ёрдам бўлмоқда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармони ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ акциядорлик-тижорат «Ипотека-банк»ида ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, жорий йилда ёш оилаларга 7 миллиард сўм миқдорида кредит бериш режалаштирилган. Ҳозиргача беш юздан ортиқ ёш оилага қарийб 3 миллиард сўм миқдорида ипотека, истеъмол кредити ва микрокредитлар ажратилди.

Айни вақтда "Ипотека-банк" якка тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача бўлган миқдорда ипотека кредитлари бермоқда. Якка тартибда қурилган уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп хонадонли уйдан квартира сотиб олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача миқдорда кредит ажратилмоқда.

– Ёш оилаларга ипотека кредитлари уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида бадал тўланганидан кейин, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан имтиёзли шартлар асосида берилаётир, – дейди банкнинг ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш бошқармаси бошлиғи Давронбек Абдумўминов.

Ипотека – бу кўчмас мулкнинг гарови асосида кредит олиш демакдир. Бунда гаровга қўйилган кўчмас мулк ипотека берувчининг ёки учинчи шахснинг эгалигида ёки фойдаланишида қолади. Ҳамма ҳолатларда ҳам ҳар қандай кўчмас мулкнинг гарови давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ипотека гаровга берувчининг молиявий юкини енгиллаштиради.

Ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши ёки қуриши, ўз уй хўжалигини йўлга қўйиши масалаларида айнан ипотека кредитларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки кредитнинг бу тури ниҳоятда истиқболли бўлиб, аҳоли турмуш даражасини оширишда катта аҳамиятга эга. Ипотека кредитлари иккиламчи уй-жой бозорини жадал ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун замин яратмоқда. Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самараларидандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Женсоветы

В ТЕСНОМ ЭМОЦИОНАЛЬНОМ КОНТАКТЕ

В Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан активно проводит общественную работу женский совет. В своей практической деятельности женсовет содействует командованию Академии в проведении воспитательной работы среди членов семей военнослужащих и служащих, повышению их роли в решении социально-бытовых и культурных вопросов, а также качественному духовно-нравственному воспитанию военнослужащих всех категорий.

Особое внимание отдела воспитательной работы и женсовета Академии обращено на работу с семьями слушателей, проживающих в гостинице «Ватан». Например, одной из интересных форм работы здесь являются встречи, на которых жены военнослужащих могут найти ответы на интересующие их вопросы.

Недавно в Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан начальником отделения по работе с семьями военнослужащих Академии В. Забаровой и старшим преподавателем кафедры «Духовно-нравственное и воинское воспитание» М. Киргизовой была проведена очередная встреча. Она была посвящена проблемам семейных взаимоотношений. С большим интересом собравшиеся прослушали лекцию на тему: «Особенности взаимоотношений в семьях военнослужащих». В ней было рассмотрено влияние особенностей профессиональной деятельности военнослужащих на взаимоотношения в их семьях.

В ходе лекции были рассмотрены вопросы культуры взаимоотношений в семьях военнослужащих, важности создания положительного эмоционально-психологического климата в семье. Были даны рекомендации по построению уважительных отношений внутри семьи и укреплению связи между родителями и детьми.

Лектор остановилась и на проблемах воспитания детей, важности создания единой воспитательной стратегии родителей, роли бабушек и дедушек в нравственном воспитании детей.

Отдельно была рассмотрена проблема культуры быта военнослужащих. Были даны советы по выбору мебели и дизайну жилых помещений.

В презентации, сопровождавшей лекцию, были использованы схемы, пословицы и поговорки на темы семьи, показаны образцы дизайна помещений, удобной сборно-разборной мебели, приемлемые в наших условиях современные и удобные модели одежды.

Состоявшаяся лекция была воспринята с живым интересом. Лектору удалось установить тесный эмоциональный контакт со слушателями. Особенно привлек аудиторию тот факт, что лектор сама является женой военнослужащего и потому не понаслышке знакома с освещаемыми проблемами.

Во встрече также приняла участие преподаватель курсов кройки и шитья при Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил З. Уразбаева. Она рассказала об учебных курсах и творческих студиях при ЦДО.

Во время встречи состоялся обмен мнениями, на прозвучавшие вопросы были даны исчерпывающие ответы.

Подполковник Уктам АСЛАНОВ.
Фото **Сергея СПИРИДОНОВА.**

Саломатлик посбонлари

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШНИНГ САМАРАСИ

Ҳарбий хизматчилар саломатлигига эътибор бугун ўз эътирофига эга. Мудофаа вазирлиги томонидан бу борада самарали ишлар амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Тиббий кадрлар масаласига эътибор қаратиш, госпиталь, ҳарбий қисм тиббиёт пунктлари, чақирув пунктларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш, шифо масканлари биноларини шу куннинг талаби даражасида бўлишига эришиш каби масалалар ислоҳотлар жараёнида ижобий ҳал этилмоқда. Термиз ҳарбий госпитали қошидаги ушбу мақоламизда айнан шу мавзуда тўхталишни лозим топдик.

Термиз ҳарбий госпитали Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий шифохоналар ичида етакчилардан ҳисобланади. Бу гўшада ўз соҳасининг энг малакали мутахассисларидан иборат катта шифокорлар жамоаси шаклланган, дейишга ҳақлимиз. Шифохонада ўн олтита бўлим фаолият юритаётган бўлиб, шулардан ўн биттаси даволаш бўлимларидир. Ҳозирда госпиталга ёш, ғайратли тиббий хизмат капитани Шарофиддин Арамов бошчилик қилиб келаяпти. Қуролли Кучларимиздаги ҳар бир соҳада янгиланишлар бўй кўрсатаётгани сир эмас. Буларнинг барчаси тажрибали, яратувчан ва тадбиркор мутахассисларнинг хизмати самараси, десак арзийди. Биз госпиталнинг бугунги ҳолати ва фаолияти билан танишув жараёнида шифохона бошлиғининг зиммасида улкан масъулият мавжудлигини ҳис қилдик. Чунки етакчи ўз шифокорлик йўналишида фаолият юритиш билан бирга, шифохонадаги тиббий хизмат жараёнини юқори даражага кўтариш, тиббий ходимлар малакасига жиддий эътибор қаратиш, госпиталь таъминоти, хўжалик ишларини талаб даражасида юритиш, шифохона биноларининг ташқи ва ички ҳолатини замонавий даражада бўлишига эришиш каби бир қатор талабларга жавоб берувчи масъул шахсдир.

Биз юқорида Термиз ҳарбий госпитали бошлиғи билан таништирув жараёнида ёш ва ғайратли сўзини бежиз тилга олмадик. Шифокорлар сулоласининг етук вакилларидан бўлган жарроҳ, тиббий хизмат капитани Шарофиддин Арамов бугун бор билим ва имкониятини, яратувчанлик қобилиятини ҳарбий шифохонада катта ўзгаришлар яратишга қаратаётган тадбиркор етакчилардан.

Ҳозирда ҳар бир соҳа тадбиркорлик ва ишбилармонликни талаб этаяптики, бу ривожланиш босқичи учун муҳим омилдир. Госпиталь бошлиғининг фаолияти ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

– Яратувчанлик салоҳиятини ишга солиб соҳада янгилик яратиш бугуннинг асосий талаби ҳисобланади, – дейди Шарофиддин шу мавзуда суҳбат кетар экан. – Биз ҳам жамоамиз билан биргаликда барча йўналишда ҳарбий шифохонамизнинг нуфузини кўтаришга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирда госпиталнинг ички касалликлар биноси Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган маблағ эвазига капитал таъмирдан чиқди. Бунда гарнизон уй-жойдан фойдаланиш қисми ишчи-хизматчиларининг хизмати катта. Айни дамда олдимизда турган асосий вазифа бинони замонавий услубда жиҳозлаш. Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Октябрь ойининг сўнгида бинода фаолият юрита бошлаймиз. Шунингдек, навбатдаги режамизда фойдаланиш муддати тугаган эски биноларни бузиб, госпиталь ҳудудини янада кўкаламзорлаштириб, нафақат даволаниш, балки дам олиш гўшасига айлантирмоқчимиз.

Шифокорларимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, жарроҳлик бўлими бошлиғи тиббий хизмат майори Ҳусанжон Худенов, кўз касалликлари бўлими бошлиғи тиббий хизмат майори Зуҳриддин Абдуллаев, юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Галина Осипова, госпиталга узоқ йиллар фидойи хизмати сингган шифохона бош ҳамшираси Антонина Матвеева каби иқтидорли шифокорларимиз кўпчиликни ташкил этади. Эришаётган ҳар бир ютуқларимизда уларнинг хизмати катта.

Изланиш, интилишнинг самараси чексиз. Айниқса, инсон саломатлиги билан боғлиқ гўшалар доимий равишда замон билан ҳамнафас бўлмоғи даркор. Биз Термиз ҳарбий госпитали мисолида бундай янгиланишларга қисқача тўхталиб ўтдик. Ислоҳотлар эса изчил давом этмоқда.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Посбонлар кутубхонасида

КОМИЛЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ГЎША

«Кутубхоналар инсоният барча маънавий бойликларининг дурдонасидир».

Кутубхоналар ҳақида сўз кетганда доно файласуфларнинг бетакрор фикрларини эсламай илож йўқ. Зеро, бу фикрларда ҳақиқат мужассам. Инсон учун маънавий бойликнинг не чоғлик аҳамияти хусусида тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, бизнингча. Чунки миллатнинг ўзлигини асрашда бу бойликнинг ўрни беқиёс.

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қисм ва муассасалардаги кутубхоналар фаолиятига эътибор ва талаб бугун жуда юқори. Буни ҳарбий жамоалардаги кутубхоналарда бўлганимизда чуқур ҳис қиламиз ва бу маънавият ўчоқлари йилдан йил янгиланишларга юз тутаётганига гувоҳмиз. Нега деганда ақл чироғи бўлмиш китоблар посбонларнинг маънавий камолида – ватанпарварлик руҳида тарбияланишлари, билим заҳирасига эга бўлишлари, жасоратга чорлаб турувчи руҳий кучни ўзлаштиришлари борасида дастуруламалдир.

Биз Моҳидил Сояқулова мудиралик қилаётган ҳарбий қисм кутубхонасида бўлганимизда ҳарбий хизматчиларнинг китобга нечоғлик меҳри баландлигига амин бўлдик. Замонавий бинода жойлашган ёруғ ва шинам кутубхона шу куннинг талаби асосида жиҳозланган. Китобхонлар учун барча шароит мужассам.

– Кутубхонамиз нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам хизмат кўрсатади, – дейди кутубхона мудираси биз билан суҳбатда. – Шунинг учун кутубхонамизга аъзо бўлганлар сони кўпчиликни ташкил этади. – Яқинда ҳарбий қисмда «Энг яхши китобхон» танловини ўтказдик. Унда оддий аскар Аброр Обиддинов ғолиб бўлди. Шунингдек, бу борада шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Музаффар Ашуров, Ислом Шариповлар ҳам ўзларининг фаол китобхон эканликларини намойиш этишди.

Мен китобхонлик борасида посбонлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб тураман. Ўқиган китоблари борасида уларнинг фикри билан қизиқаман, китоб танлашлари юзасидан маслаҳатлар бераман. Юртимизнинг ҳар бир байрами ва улуғ аждодларимизнинг таваллуд кунларида кечалар уюштириш, савол-жавоблар ўтказиш асосий режаларимиздан бири ҳисобланади. Ҳозирда олдимизга қўйган асосий мақсадларимиздан бири кутубхонамиздаги китоблар захирасини кўпайтириш ва албатта ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзоларига намунали хизмат кўрсатиш.

Кутубхонадаги посбонларни суҳбатга тортаман. Уларнинг ўқиган энг сўнгги китоблари билан қизиқаман.

– Йигитлик бурчимни ўтаётганимга бир йил бўлаяпти, – дейди оддий аскар Ойбек Жўраев саволларимизга жавоб қайтарар экан.– Ўтган давр мобайнида кўплаб китобларга ошно бўлдим. Барчасининг мазмун-моҳияти турлича. Энг сўнгги ўқиган китобларим ҳақида тўхталадиган бўлсам, Луқмон Бўрихоновнинг «Хизр кўрган йигит», Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» китоблари менда жуда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга «Бугуннинг Андижони» номли китобни ҳам меҳр билан ўқиб чиқдим. Ўзим Андижоннинг Асака шаҳрида вояга етганим учун туғилиб ўсган вилоятим ҳақида ҳар томонлама тўлиқ маълумотга эга бўлганим мени қувонтирди, албатта.

Шунингдек оддий аскарлар Дилшод Иномов, Азизбек Холмирзаевлар ҳам ўқиган китоблари ҳақида биз билан ўртоқлашишди. Уларнинг фикрларидан кутубхона ва кутубхона мудирасининг иш жараёнидан қониқишларини англадик.

Кутубхонанинг ишлаш фаолияти, унда ўтказиладиган тадбирлар, ҳарбий хизматчиларнинг китобга бўлган муносабати ҳарбий қисм командири ва унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда тарбиячи офицерлар эътиборида турмоғи шарт. Чунки посбонларнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий-сиёсий машғулотлардаги фаоллиги, қолаверса, ҳарбий хизматга бўлган меҳр ва муносабати китоблар орқали шаклланиши айни ҳақиқат. Бу борада тарбиячи офицер Аҳрор Исроилов ҳам бир қатор ижобий фикрлар билдириб, ҳарбий қисм кутубхонасини ҳақиқий маънавият гўшаси, ҳарбий хизматчиларнинг севимли даргоҳига айлантириш борасида белгилаган бир қатор режаларини таъкидлаб ўтди.

Зарина НИШОНОВА.



15 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияning ёввойи табиати».
«Болалар сайёраси»:
9.15 «Мушук ва сичқон саргузаштлари». Мультсериал.
9.35 «Шифокор қабулида».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Биби Убайда».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.05 «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Қаллиқ ўйин». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.50 «Қаллиқ ўйин». Спектакль. 2-қисм.
16.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Шаҳрисабз».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оқ халатдаги қора доғлар».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Косонсой».
00.35 «Чемпион сирлари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Қаллиқ ўйин». Спектакль.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.

ЁШЛАР

18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми». Ҳажвий дастур.
18.25 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
18.30 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.45 «UzEX хабарлари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.30 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
20.40 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.45 «Анонс».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Я не знал этого». Научно-популярный фильм. 1-қисм.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Уйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Перелом».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Жизнь городского искусства». Документальный фильм.
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.30 «Орки. Граффити викингов». Документальный фильм.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.45 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.10 Детективный сериал: «Мегрэ и персик». Художественный фильм.
23.25 Самбо. Кубок мира.
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияning ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
10.15 ТВ анонс.
10.20 «Умр мазмуни». Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Неъмат Аминов. 1-қисм.
10.40 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 «Назм ва наво».
15.30 «Интеллектуал ринг».
16.15 «Бир кун».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Ўзбекистон аёли».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Туртқўл».
00.35 «Қишлоқ ҳаёти».
01.00 «Ахборот».(рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «Мўйқалам сеҳри».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Сеҳрли тун». Фильм-эртак.
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Чемпион сирлари».
10.30 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Леонардо да Винчи.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Истиқбол тимсоллари».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

ТОШКЕНТ

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика.
«Toshkent» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 17.50 дан бошлайди.
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Я не знал этого». Научно-популярный фильм. 2-қисм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Моҳир» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «18 лет спустя».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Эстрада – симфоник оркестрининг концерт дастури.
10.40 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Теннис. «Кубок Кремля-2007». Финал. Женщины.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.50 «Тайм-аут»
21.10 «Футбол мундиал».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный сериал: «Мегрэ и соблазны ночи». Художественный фильм.
23.10 Еврофутбол.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияning ёввойи табиати».
9.15 «Болалар сайёраси».
10.00 «Ягона оилада».
10.20 «Умр мазмуни». Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Неъмат Аминов. 2-қисм.
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Анҳор – ҳаёт суви».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. П. И. Чайковский. «Евгений Онегин». 1-қисм.
16.20 «Дунё манзаралари».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.50 «Рангин дунё».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Турмуш чорраҳаларида».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги мўъжиза».
00.35 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Рангин дунё».
03.50 «Мисли гавҳар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Сеҳрли эртак». Фильм-эртак.
9.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «Journal» (инглиз тилида).
11.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
11.45 «Матонат».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» Илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Рембрандт ван Рейн.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.55 «Улуғ неъмат».
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Ҳимоя».
9.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.55 «Репортаж».
12.30 «Саломат бўлинг» (рус.).
12.40 «ТВ-юрист» (рус.).
12.50 Кино: «18 лет спустя».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Как это работает?». Научно-популярный фильм. 1-қисм.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 «Дочь Махараджи». 1-қисм. (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Миссия Калавейт». Документальный фильм.
10.45 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.25 Теннис. «Кубок Кремля-2007». Финал. Мужчины.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Путешествия натуралиста».
19.35 «Гейм-Сет-Матч».
19.50 Футбол. Олимпиада саралаш учрашуви. Баҳрайн – Ўзбекистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный сериал: «Мегрэ у фламандцев». Художественный фильм.
23.15 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Россия – Англия.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

18 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияning ёввойи табиати».
«Болалар сайёраси»:
9.15 «Мушук ва сичқон саргузаштлари». Мультсериал.
9.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Самарқанд».
9.50 «Рангин дунё».
10.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Сени излаб». Бадиий фильм.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Муқаддас қадамжолар». Шоҳизинда.
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. П. И. Чайковский. «Евгений Онегин». 2-қисм.
16.10 «Ҳаёт манзаралари».
16.20 «Одамлардан бири».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Боқий Самарқанд».
22.10 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Турмуш чорраҳаларида».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Аёз қалъа».
00.30 «Боқий Самарқанд».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Муқаддас қадамжолар». Шоҳизинда.
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Самарқанд».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Қувноқ сеҳргарлик». Фильм-эртак.
9.20 «Истиқбол тимсоллари».
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Қонун ижроси».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Рафаэл Санти.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.30 «Хор жамоасининг концерти».
10.30 «Интервью».
12.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
12.30 «ТВ-юрист» (рус.).
12.40 Кино: «Дочь Махараджи». 1-қисм.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Как это работает?». Научно-популярный фильм. 2-қисм.
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 «Дочь Махараджи». 2-қисм. (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Тақдир чизгилари».
10.40 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Настольный теннис. Кубок мира.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Жасорат».
19.05 «Иқтидор».
19.45 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.50 «Стенка на стенку».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективный сериал: «Мегрэ и ночь на перекрёстке». Художественный фильм.
23.20 Футбол. Евро-2008 саралаш учрашуви.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

19 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Японияning ёввойи табиати».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Умидбахш кун». Видеофильм.
2. «Мушук ва сичқон саргузаштлари». Мультсериал.
10.35 «Бир жиноят изидан».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зардўзлар».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Боқий Самарқанд».
15.40 «Шарқ тароналари».
16.00 «Қишлоқ ҳаёти».
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
16.40 «Мардлар мактаби».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.50 «Ҳидоят сари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Турмуш чорраҳаларида».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Санъат бўстони».
00.35 «Шарқ яккакурашлари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Семург». Фильм-эртак.
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Чемпион сирлари».
10.30 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот». Сандро Ботичелли.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
18.20 «Болалар табассуми». Ҳажвий дастур.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
11.35 «Интервью» (рус.).
11.45 «Иқтисод-ревю» (рус.).
11.55 «ТВ-юрист» (рус.).
12.05 Кино: «Дочь Махараджи». 2-қисм.
17.55 «Афиша» (рус.).
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Как это работает?». Научно-популярный фильм. 3-қисм.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Дочь Махараджи». 3-қисм. (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.00 «Спорт салтанати».
11.20 «Дув-дув гап». Шоу дастури.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «На пути к сердцу». Сериал.
20.45 «Учрашув».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Смешное кино: «Отпуск по обмену». Лирическая комедия.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива».
«Болалар сайёраси»:
9.05 1. «Болалар дунёси».
2. «Мушук ва сичқон саргузаштлари». Мультсериал.
9.45 «Шифокор қабулида».
10.10 «Ҳаёт манзаралари».
10.20 1.«Рангинкамон».
2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бекат».
14.45 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм.
16.10 «Қорақалпоқ наволари».
16.25 «Меҳр кўзда».
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.20 «Саломатлик сирлари».
18.40 ТВ анонс.
18.45 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Бир ўлка-ки» 1-қисм.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки» 2-қисм.
22.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.10 «КиноТеатр».
22.35 «Мушкетер». Бадиий фильм.
00.25 «Бир ўлка-ки»
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КиноТеатр».
02.55 «Таранну м».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.
05.50-05.55 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи» ахборот дастури.
8.10 «Орзулар камалаги». Фильм-эртак.
9.30 «Айро тақдирлар».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР» ахборот дастури.
10.10 «Солиқ хизмати хабарлари».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тасвир ва таассурот».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР» ахборот дастури.
16.10 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
16.50 «Самарқанд жавоҳирлари». Ҳужжатли фильм.
17.25 «Таълим ва тараққиёт».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Камолот» хабарлари.
18.10 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 1-қисм.
18.40 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР» ахборот дастури.
19.30 «Дунё таомлари».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «УЙ МАСАЛАСИ».
20.40 «Yoshlar» анкетаси.
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР» ахборот дастури.
22.50 Жаҳон киноси: «Азизим Фрэнки».
00.30 – 00.35 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Маърифат фидойилари».
11.10 «Репортаж» (рус.).
11.20 «Афиша» (рус.).
11.30 «ТВ-юрист» (рус.).
11.40 Кино: «Дочь Махараджи». 3-қисм.
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Как это работает?». Научно-популярный фильм. 4-қисм.
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Послезавтра».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Смак».
9.55 «Соғлом оила».
10.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
10.45 Гандбол. Лига чемпионов. Мужчины.
11.25 «Стать ближе». Ток-шоу.
12.05 «Юрмала-2007».
15.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Курувчи» – «Самарқанд – Динамо».
17.50 Антракт.
17.55 «Мир детского спорта».
18.10 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Военное дело.
19.10 «Файзли ошхона».
19.30 «Мастер-класс».
19.45 «Фото-ревю».
20.05 «Спортколлекция».
20.25 Антракт.
20.35 «Юлдузлар матчи».
20.55 Футбол. Чемпионат Италии. Прямая трансляция. В перерыве «Хабарлар» (ўзб.).
22.55 SMS-тест.
23.05 «Большие гонки».
23.55 SMS-ринг.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Бизнинг кутубхона».
9.00 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.30 «Оҳанрабо».
11.10 «Саломатлик сирлари».
11.30 «Денгиздан томчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур.
13.00 «КИНОТАКДИМ».
13.25 «Чунки. Бу тақдир». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
14.40 ТВ анонс.
14.45 «Чунки. Бу тақдир». Бадиий фильм. 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.00 «Етти япроқ мўъжизаси». Мультфильм.
16.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
17.20 «Одами эрсанг»
17.40 «Шахсий фикр».
18.15 «Заковат».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ анонс.
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Фақат Сиздан кейин». Бадиий фильм.
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ёввойи табиат тилсими».
00.20 «Оҳанрабо».
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Олтин мерос».
01.45 «Ойижон». Бадиий фильм.
03.00 «Заковат».
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ анонс.
04.45 «Қор кўйнида лола». Бадиий фильм.
05.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Аршин мол-олон». Кинокомедия.
8.20 «Тандирдан кўёш».
8.40 «Дунё таомлари».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Сеними, шошмай тур!»
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглиз тилида).
11.20 «ТАРАННУМ». Дам олиш дастури.
12.00 Жаҳон киноси: «Сўнгги легион».
13.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.45 «ТАСАННО». Телемусобақа. 1-босқич.
15.30 «Чемпион сирлари».
15.50 «Ринг қироллари».
16.30 «Ипак сеҳри».
17.10 «Якшанба нонуштаси».
17.30 «Айланай»
17.50 «Рўзғор мактаби».
18.20 «УЙ МАСАЛАСИ».
18.55 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Дилроз». Абдулла Қурбонов ижодига бағишланади.
20.00 «ТАСАННО». Телемусобақа. 2-босқич.
20.50 «Акс». Ток-шоу.
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 Ҳинд киноси: «Криш».
1.00 «ТУНГИ ПАРВОЗ».
1.30 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Афиша».
9.45 «Интервью».
10.00 «Истеъдод».
10.20 Кино: «Кўринмас одам».
12.40 Мультфильм «Артур и минипуты». Премьера.
14.10 «Дорихона эшитади» (рус.).
14.55 Кино: «Послезавтра».
16.50 «Мысли вслух».
17.00 «Саргузаштлар ороли».
17.25 Кино: «Ишдаги ишқ». 1-2 қисмлар.
20.00 «Жозиба».
20.25 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Нима учун?»
21.30 «Туризм ҳақида» (рус.).
22.05 Кино-SMS со звездами: «Шестой день»,«Скала», «Люди в чёрном».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Файзли ошхона».
12.00 Звёзды XXI века.
12.25 ПрофРИНГ.
15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Бухоро». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.20 «Олимп сари йўл».
17.35 «Мусиқий тайм».
17.50 «Спорт уик-энд».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Ледниковый период».
21.00 Футбол. Чемпионат Италии. Прямая трансляция. В перерыве «Талқин» (узб. яз.).
22.55 Расселл Кроу в фильме «Хороший год».
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД

ГАЗЕТАНИНГ 40-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Тантана. Икки. «Жоконда». Круиз. Одим. Ас. Лимит. Тамаки. Қизил. Қадр. Аён. Ип. Фард. Амперметр. Театр. Луанда. Фа. Гирд. Тегирмон. Сиз. Омон. Ақида. Дев. Им. Эровул. Армон. Ним.

БЎЙИГА: Тожикистон. Нокаут. Олима. Нидо. Илик. Қад. Қисмат. Академик. Қази. Трап. Асфальт. Мумиё. Парта. Денгиз. Есир. Адир. Тармоқ. Домино. Нодира. Темурийлар. Амур. Илм. Гид. Есенин. Ва. Эман.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

МУДОФАА ҚУДРАТИМИЗ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар замирида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич, тизимли равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятнинг, Қуролли Кучлар қўмондонлигининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони она Ватан посбонларига доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намойиши бўлди, дея оламиз. Яхши биламиз, бу омилларнинг барчаси мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлашга, миллий армиямизда хизмат қилаётган ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук, ватанпарвар бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига хизмат қилади. Бу эса миллий армиямиз нуфузини тобора оширмоқда, ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни таъмин этмоқда.

Ҳамкасбим бир воқеани сўзлаб берди. Яқинда Ҳамдўстлик давлатларидан биридаги журналист дўсти унинг меҳмони бўлибди. Миллий армиямиздаги ислоҳотлар билан қизиққан меҳмонга амалга оширилган улкан янгиланишлар, ўзгаришлардан сўзлай туриб, муддатли ҳарбий хизматчиларимизга берилаётган гигиеник салфеткани кўрсатибди. Меҳмон – жаҳонгашта журналист қойил қолар экан, нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, ҳатто айрим ривожланган мамлакатларда ҳам бундайин шарт-шароитлар йўқлигини таъкидлабди. Буни кимгадир кўз-кўз қилиш учун айтмаяпмиз. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган кучга – унинг сафларидаги инсонларга қаратиб келинаётганини таъкидламоқчимиз, холос.

Гап таъминот, энг сифатли, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар, моддий-техник воситалар ҳақида кетар экан, табиийки ким билан ҳамкорлик қилишимиз, яъни ишлаб чиқарувчи корхона, фирма, компанияларнинг энг нуфузлилари билан, қолаверса, кўпроқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқалар ўрнатиш муҳим. Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёрлиқ билан арзон, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, халқаро доирада эътироф этилаётган корхоналаримиз кўплаб топилади.

Яқинда Марказий офицерлар саройида Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар етказиб бераётган ва бу борада ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхона, фирма, компанияларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмани кўздан кечирар эканмиз, унда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, электрон, муҳандислик жиҳозлари, замонавий тиббиёт ускуналари, замонавий алоқа ва коммуникация воситалари, қўйингки, посбонларимиз учун зарур нарсаларнинг бари борлигини сезасиз. Маълумки, бозор иқтисодиёти талаблари ўзаро соғлом рақобатни тақозо этади. Очиқ, ошкоралик тамойили остида ўтган кўргазма шу маънода ўзаро соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса миллий армиямизга замон талабларига хос сифатли маҳсулотлар етказилишини таъмин этади. Аниқроғи, кўргазма соҳа мутахассисларининг сифатли, талабларга, андозаларга тўла мувофиқ келувчи маҳсулотни танлашига, кейинчалик тендерда ғолиб чиқишса, ўша ишлаб чиқарувчи билан кенг ҳамкорлик қилишига ўзига хос замин яратади.

Шу ўринда бир ҳақиқатни тан олиш керак. Илгари айрим ишлаб чиқарувчиларда армия эҳтиёжларидан ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишлар бўлган. Бу улар ишлаб чиқаришган моддий воситаларда учраган қатор камчиликларда акс этарди. Бугун бундайин тор тушунча йўқолгани, ишлаб чиқарувчилар, маҳаллий корхоналаримиз сара, сифатли маҳсулотлари, товарлари билан мудофаамиз қудрати шаклланишига ҳисса қўшишга интилишаётгани қувонарли ҳол.

Кўргазма расталари бўйлаб юриб, Охунбобоев номидаги «Бош кийимлар фабрикаси»нинг маҳсулотларини кўздан кечирамиз. «1993 йилдан бери Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Мана, кўриб турганингиздек, замон талабларига мос бош кийимлари ишлаб чиқариш учун ҳаракат қиляпмиз. Масалан, мазкур кўргазмага аёл ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган, янгича дизайндаги пилоткаларни тақдим этяпмиз. Ватанимиз ҳимоячилари учун хизмат қилиш биз учун улкан шараф», дейди фабрика сифат назоратчиси Заҳро Юсупова.

Оддий бир истеъмолчи сифатида ушбу корхонанинг кўргазмага қўйилган маҳсулотларини кўздан кечириб, хорижникидан қолишмайдиган сифатига қойил қоламан.

«Висо» номли Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонасининг пойабзал маҳсулотлари ўтган йил ҳам кўргазмага қўйилганди. Бу гал таклиф этилаётган маҳсулотларининг сифати ҳам юксак даражада эканлигини чарми, дизайнидан билиш мумкин.

«Фортек» хусусий корхонаси замонавий лаборатория ва кимёвий рентген воситаларини тақдим этмоқда. Миллий армиямизга 4-5 йилдан буён сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган мазкур корхона ветеринар, ёнилғи-мойлаш хизматларимиз ишини лаборатория ускуналари билан янада шакллантиришни мақсад қилган.

«Ист-Баттерфлай» қўшма корхонаси маҳсулотлари дизайни, сифати билан посбонларимиз ошхоналарига ҳар томонлама қулайлик, кўрк бағишлаётгани яхши маълум. Корхонанинг юқори сифатли металлдан тайёрланаётган, экологик жиҳатдан тоза идиш-товоқлари кўргазма иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

«Санам» шўъба корхонаси ўтган йилги кўргазмада ҳам иштирок этганди. Жорий кўргазмада корхона тақдим этаётган янгиликлар борасида унинг раҳбари Толиб Ёдгоров шундай деди: «Ўтган йил Мудофаа вазирлиги билан шартнома имзолаб, уни сифатли бажаришга ҳаракат қилдик. Ҳар томонлама шаклланиб бораётган миллий армиямизга оз бўлса-да фойдамиз тегаётганидан хурсандмиз. Бу сафар кўргазмага ниқобланиш палаткаларининг янги моделларини қўйганмиз».

– Уч йилдан бери ҳарбийлар билан ҳамкорлик қиламиз. Мақсадимиз – посбонларимиз дастурхонига сифатли, сара балиқ, тухум маҳсулотларини етказиб бериш, – дейди «Осиё агро алянс» масъулияти чекланган жамият менежери Аминжон Қўчқоров.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг маҳсулотлари эътиборимни тортди. Ҳа, ислоҳотларимиз сабаб биз иқтисодиётимизда ана шундайин ўзгаришлар, янгиланишларга эриша олдик. Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам талаб, таклиф катта. Бу ҳам бўлса ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир исботи. Ишончимиз комилки, Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар етказиб бераётган ишлаб чиқарувчилар билан қилинажак ҳамкорликлар мудофаа қудратимизнинг янада ошишига хизмат қилади.

Майор Алижон САФАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАГУВЧИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов шундай таъкидлайди: «Бизким, ўзбекларнинг Ислом динини турли халқлар ва турли ўлкаларга ёйишдек шарафли ишда қўшган ҳиссамиз арабларнинг қўшган ҳиссадан кам бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Динни ёйиш учун аввало шу динни юракдан қабул қилган бўлишлик, чин ихлос билан унга эътиқод қилишлик керак бўлади. Диндор ўзбеклар азалдан шундай ва ҳамон шундай. Чунки субутлилик, аҳдида вафодорлик ва муқимлик халқимизнинг туғма фазилатларидан ҳисобланади. Ва бу хислатлар катта-кичигимиз томонидан ҳамиша эъзозланиб келинади, бурдли одамда эътиқод бўлади».

Бу фикрни бир эътироф – Тошкентнинг жорий йилда Осиё қитъаси бўйича Ислом маданияти пойтахти, дея эълон қилиниши ҳам исботлаб турибди.

«Тошкент шаҳри ушбу юксак ва фахрли унвонга Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фани олдидаги, ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳамда ислом меросини янада бойитиш борасидаги улкан хизматлари учун лойиқ деб топилди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг бу қарори Осиё дурдонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг бой тарихи ва маданияти, фан, санъат ва жаҳон цивилизацияси ривожида алоҳида ўринга эгалиги билан ҳам изоҳланади», дейди Ислом Конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли.

«Мусулмон уммати жаҳон цивилизацияси, хусусан, ислом маданияти ривожида беназир ҳисса қўшган Мовароуннаҳрнинг буюк алломалари билан ҳақли равишда фахрланади», дея таъкидлайди Ислом тараққиёти банки Президенти Доктор Аҳмад Муҳаммад Али.

Қувайтда «Ал-Бабтин» жамғармаси «Имом-ал Бухорий авлодлари» мукофотини таъсис этгани ҳам аллома ва мутафаккирларимизнинг ислом маданияти шаклланиши ва ривожида беқиёс улуш қўшишганининг ўзига хос эътирофидир. Бундайин мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин. Бу хусусда сўз кетар экан, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги гапларини келтириб ўтиш жоиз: «Мана, неча юз йилдирки, Фиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожаи Жаҳон – жаҳон аҳлининг пири деб улуғланиб келинади.

Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий халқ ичида, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган бу мўътабар сиймонинг Аллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бугун – орадан тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам бутун мусулмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас».

Шу ўринда истиқлол арафасидаги, аниқроғи, 1989 йилдаги тарихий бир ҳужжатга эътиборни қаратайлик. Президентимизнинг Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Ўша давр нуқтаи назаридан қараб, баҳолаганда том маънодаги жасорат эди, бу. Ўзлигимиз, қадриятларимиз тикланиши йўлидаги муҳим одимларимиздан эди, мазкур ҳужжат.

Шу тарзда ислом дунёсида ўзига хос ўрин тутадиган буюк бобокалонларимизни хотирлаш, уларнинг пок номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларимизни тиклаш, обод қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни бошлаб юбордик.

Шу ўринда бир савол туғилади. Нега миллатимиз, аждодларимиз, умуман, минтақамиз ислом маданиятида юксак ўрин эгаллаб келган? Таъкидлаш лозимки, ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, улкан маънавий мероси минтақамизнинг тарихий ривожланишига катта ҳисса қўшиб келган. Биз бу бебаҳо маънавий меросга юзланар эканмиз, бугунги ва келажак авлодларимизнинг маънавий юксалиши учун, уларнинг миллий қадриятларимизга, динимиз арконларига муносиб тарзда мазмунли ҳаёт кечиришлари учун замин яратган бўламиз. Ёки янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, одамларни ўзини-ўзи идрок этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонлардан халос бўлишга чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бу йўлда куч-қувват бахшида этган дин умуминсоний бир қадрият сифатида ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этиб келганини англаймиз.

Бугун диний экстремизм ва фундаментализмнинг тинчлигимизга, осойишталигимизга таҳдидини яхши англаймиз. Бироқ бир нарсани ойдинлаштириб олиш муҳим. Яъни диндан, диний қадриятлардан динга алоқаси бўлмаган сиёсий, тажовузкор мақсадларни, ниятларни ажрата ола билишни назарда тутяпмиз. Ахир, муқаддас динимиз умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олгани, уларни шакллантириб келаётгани, маданиятга таъсир этиб, инсонларнинг аҳил, баҳамжиҳат яшашларига хизмат қилиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолган, ривожлантирган. Диний экстремизм ва фундаментализм намояндалари эса динимиз туфайли одамларимиз эътиқодида шаклланиб келган бунёдкор кучни вайронкор кучга айлантиришмоқчи. Буни мустақил тараққиёт йўлимизда содир бўлган нохушликларда кўриш мумкин. Шукрки, халқимиз диний қадриятлардан динга алоқаси бўлмаган сиёсий, тажовузкор мақсадларни ўз вақтида ажрата ола билди. Қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизда ислом маданиятига беназир улуш қўшган бобокалонларимизнинг хотираси тикланиши, зиёратгоҳлари обод масканга айлантирилиши, умуман, бу борадаги олижаноб ишлар ҳам халқимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ислом динини, у билан боғлиқ қадриятларни асраб-авайлашга, ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос улкан ҳиссасини кўрсатади. Шуларнинг ўзи ҳам динимизга, эътиқодимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, дин ниқобида турли ифволарни тарқатишга уринаётганларга муносиб жавобимиздир.

Яхши биламиз, диний байрамларимиз Президентимиз Фармонига биноан дам олиш куни деб эълон қилиниб келинмоқда. Мана, бугун Рамазон ҳайитини юртдошларимиз шодиёна қилишмоқда. Ана шундайин нурафшон кунларда кўнгилдан истиқлолга янада шукроналик ҳисси кечади. Динимизни, эътиқодимизни, қадриятларимизни бизга қайтариб берган мустақилликка баралла шукроналар айтгинг келади.

Майор Сафар АЛИЕВ.

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш, хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизматлар турларини кўпайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳаларда 624,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 142,9 фоиз кўп, демакдир.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 4,52 миллионга етган, Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 1,9 миллиондан ортган.

Инвестиция дастури ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлил қилинди ва мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулиятини кучайтириш ҳамда 2008 йил учун тайёрланаётган хорижий инвестициялар дастури таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғи ва миқдорини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг татбиқ этилиши, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан, шунингдек, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тафовутларни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларидаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўқитувчилари салоҳиятини ушбу соҳанинг тез суръатларда ўзгариб бориш тенденциясини ўзлаштириш ва ўқув жараёнларига татбиқ этиш, шунингдек, масофадан ўқитиш ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ишларни жадаллаштириш борасида тегишли топшириқлар берилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қишлоқ жойларда телекоммуникациялар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишларга эътиборни янада кучайтириш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН – ЯГОНА ВАТАН

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига ҳам ўн олти йилдан ошди. Бу қисқа давр, албатта. Аммо шу давр ичида истиқлолнинг хуш насимларидан баҳраманд бўлиб улғаяётган соғлом ёш авлод шаклланди. Уларга буюк келажакли мамлакат эртасининг фидойи ва толмас давомчилари сифатида қаралмоқда.

Маълумки, ёш новдани хоҳлаган тарафга эгиш мумкин. Ёшларни ҳам худди шунақа новдага қиёсласак, хато қилмаймиз. Улар табиатан турли ғояларга қизиқувчан ва берилувчан бўладилар. Бундай ҳолат баъзан нафақат уларнинг ўзларига, балки миллат, халқ манфаатларига ҳам зид келиб, фожиавий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бугун дунёда бир даҳшатли тажовуз, хуруж борки, бу бузғунчи ғоялар ва ахборотлар хуружидир. Булардан ҳимояланиш ғоят мураккаб масаладир.

Бундай «жанг»да ёт ғояга қарши тура оладиган, ундан устун турувчи мустаҳкам ғоя зарур бўлади. Миллий истиқлол ғояси ана шундай қарши тура олувчи кучдир. У ҳар бир фуқарода мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қилади.

Миллий истиқлол мафкураси асосида минг йилликлар қаъридан то шу кунимизга қадар сақланиб келаётган халқимизнинг эзгу ва ўлмас қадриятлари ётади. Бу қадриятлар замирида ватанпарварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, сахийлик каби қатор гўзал фазилатлар мужассам. Миллий мафкурамиз ўз мазмун-моҳиятига кўра халқимизнинг асосий мақсад ва муддаоларини ифодаловчи, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларини амалга оширишдек улуғ вазифага хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилувчи миллий ғоя ва миллий мафкура халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва танлаган йўлининг тўғрилигини англаш омилидир. У ўтмишни келажак билан боғловчи маънавий кўприкдир. У халқимизнинг маънавий бойликларига эгалик қилишда, онгимиз, шууримизга сингиб кетган ўзбекона тафаккур тарзи орқали ўзлигимизни намоён этишда, бой тарихий тажрибаларимизга таянган ҳолда буюк келажагимизни бунёд этишда мустаҳкам таянч бўлади.

Миллий мафкура бир томондан заминимизда фаровон жамият барпо этиш учун халқимиз куч-қувватини жипслаштиришни, бирдамликни, халқ иродасини бунёдкорлик ишларига сафарбар этишни, иккинчи томондан эса миллий мустақиллигимизга жиддий хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга зарба бера оладиган мард, жасур авлодни тарбиялашни назарда тутади. Тараққиёт ўз-ўзидан бўлмайди, унга осонлик билан эришилмайди. Фаровон жамиятни қалбида ватанпарварлик ҳисси чуқур илдиз отган бунёдкор инсонлар қурадилар. Мамлакат эртаси бўлган ўсиб келаётган ёш авлодга бирдамликнинг қудратли кучини англата билмоқ лозим.

Янгича фикрлайдиган, мутелик туйғусидан холи маънавий баркамол авлодни тарбиялаш миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мамлакатнинг ривожланиш истиқболлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай комил инсонларга боғлиқдир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига чуқур сингдириш билан уларда Ватан тақдири учун масъулият, ягона Ватан туйғуси шаклланади.

Ҳозирги кунда кучли ғоягина қудратли қурол вазифасини бажара олади. Бу хусусда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шундай сўзлари бор: «Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади». Демак, кимнинг ғояси кучли, фикри тиниқ, мафкураси аниқ мақсадни ифода этадиган бўлса, ўша албатта ғалаба қозонади.

Истиқлол мафкурасининг бош мақсади қуйидагиларда акс этади: мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин инсонларини тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш.

Миллий мафкура асосида амалга оширилаётган барча вазифалар охир-оқибатда ягона мақсад – Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизни озод ва обод этиш, фаровон жамият қуриш учун хизмат қилади.

Холмат САМАТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.

Подписка-2008

НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»

В частях и учреждениях Министерства обороны началась коллективная и индивидуальная подписка на газеты и журналы на I полугодие 2008 года, в том числе и на газету «Ватанпарвар», Центральный печатный орган Министерства обороны.

Газета «Ватанпарвар» является единственным изданием, в полном объеме освещающим жизнедеятельность частей и подразделений Министерства обороны Республики Узбекистан. На страницах газеты «Ватанпарвар» публикуются материалы, рассказывающие не только о процессе боевой учебы военнослужащих различных видов и родов войск, но и о быте, продовольственном и денежном обеспечении, культурно-досуговой работе, льготах, предоставляемых различным категориям военнослужащих и членам их семей. Журналисты редакции и внештатный авторский актив много внимания уделяют раскрытию тем военно-патриотического воспитания подрастающего поколения будущих защитников Родины. Молодежная тематика является прерогативным направлением в информационном обеспечении читательской аудитории нашей газеты. Потому единственное в республике полноцветное периодическое издание представляет интерес для самого широкого круга читателей.

В период проведения подписной кампании командирам всех степеней, начальникам учреждений, офицерам органов воспитательной работы необходимо провести на местах широкую разъяснительную работу среди военнослужащих, рабочих и служащих о значимости газеты «Ватанпарвар» в деле информирования, обучения и воспитания личного состава, формирования высоких нравственных и морально-боевых качеств молодежи нашей страны, патриотизма, организованности и дисциплинированности. Немаловажно будет рассмотреть и обсудить вопрос организации коллективной и индивидуальной подписки на совещаниях офицеров, военнослужащих по контракту, рабочих и служащих, собраниях личного состава срочной службы.

Командующим войсками военных округов, заместителям командующих по воспитательной работе, начальникам УДО (ОДО) необходимо также организовать широкую пропаганду газеты «Ватанпарвар» среди родителей, родных призывников, граждан, проходящих альтернативную службу и призываемых на службу в мобилизационный призывной резерв.

Подписку на газету «Ватанпарвар» необходимо оформлять в ближайших почтовых отделениях не менее чем на 6 месяцев по безналичному расчету. Следует обязательно обращать внимание на то, что в каждом регионе подпиской занимаются в среднем от 2 до 5 компаний. Потому за основу следует выбрать ту, которая предлагает наиболее низкие цены за подписку и доставку.

В связи с разными расходами по доставке газеты подписчикам на местах цены на подписку на газету «Ватанпарвар» на 2008 год установлены в среднем по стране от 25956 сумов в г. Ташкенте до 37512 сумов в Андижанской области. Каждый распространитель определяет ее в зависимости от своих расходов.

Подписную кампанию необходимо провести в рамках установленных сроков и завершить ее к 20 декабря т.г.

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

Азиз неъмат

НОН ҚАДРИ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун бизда нонни юмалоқ шаклда ёпишади?! Балки халқимиз уни қуёшга қиёслаб шундай шакл бергандир. Ахир тандирдан янги узилган нон қуёшдек юмалоқ, тафти иссиқ бўлади. Қуёш ўз нурлари билан атроф-борлиққа жон бахш этганидек, нон тановул қилганимизда танамиз яйрайди, унга куч-қувват инади, қонимиз жўшади, хуллас, яйраб кетамиз.

Қишнинг аёзли, тунд, булутли кунлари эса қуёшнинг ҳароратини, ҳузурбахш нурларини соғинганимиз каби дастурхонимизда бир кунгина нон бўлмай қолса, бошқа нознеъматлар татимайди. Нонниг қадрини қийинчилик кунларни, қаҳатчиликни кўрганлар яхшироқ биладилар. Бир танишимдан шундай воқеани эшитган эдим:

– Менинг бобом(онамнинг оталари) уруш ва ундан кейинги оғир йилларда хўжаликнинг отхонасига ҳамда отлар учун ем сақланадиган омборга мудир бўлган эканлар, – деб ҳикоя қилади танишим. – Омборда ҳар доим отлар учун озми-кўпми ем бўларкан-у, қишлоқдаги баъзи серфарзанд оилаларда қора қозон қайнаши у ёқда турсин, ҳатто ега-ни нон ҳам топилмай қоладиган кунлар бўларкан. Шунда бобом иш тугаб, отлар отхонага қамалиб, олдига ем солингандан сўнг ана шундай оила бекасини бирор соатга омборхонага қамаб кетаркан. Аёл омбордаги арпами, сулими, ёрмасидан бир-иккита нонга етгулик ун элаб оларкан...

Ҳа, танишимнинг ҳикояси ибратли. Ўша йилларда бир парча нон тилладан қиммат, қадри баланд бўлган. Қолаверса, бизнинг оиламиз ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатағонлардан қочиб, узоқ йиллар Хитойнинг Ғулжа шаҳрида яшаганда ота-онамизнинг аччиқ ёшлар тўкиб: «Ўзга юртда шоҳу султон бўлиб яшагандан, бир бурда қотган қора нон есанг ҳам ўз юртингда яшаганга нима етсин?!» деганларини кўп эшитганмиз. Аммо ўшандай қора кунларни ўз кўзи билан кўрган, очарчилик азобини, бир бурда нонниг қадрини ишонарли, жонли сўзлаб берадиган инсонлар орамизда йилдан йилга камайиб бораяпти. Шунинг оқибатими, тўқликка шўхлик қилувчилар, исрофгарчиликдан, нонниг уволидан қўрқмайдиганлар ҳам орамизда учраб қолаётир. Айрим ёшларимиз, ҳатто кўпни кўрган катталар ҳам суви қочиш у ёқда турсин, сал совуб қолган нонни ҳам егилари келмайди.

Мен тўй ва маракаларда кўп кузатаман. Дастурхонда ушатилган нон, патир, қатлама кабилар сероб бўлса-да, даврага янги меҳмон келиб қўшилиши билан яна нон ушатилади. Бирорта ёши улуғроқ киши: «Ҳой, барака топкурлар, шунча нон борку, ушатманглар, бекорга ейилмай қотиб қолади», деса тўй-марака эгалари, ёки хизматдагилар: «Меҳмоннинг ҳурмати-да», деб жавоб берадилар. Ваҳоланки, меҳмоннинг ҳурмати унинг олдига нечта нон ушатганимиз билан ўлчанмайди-ку. Мана шу нонлар тановул қилинмасдан дастурхонларда қотиб қолади. Эртаси куни уларни ёки ахлат ташланадиган жойларда, ёки мол-қўйларнинг охурида кўрамиз. Афсус, минг афсус!

Мана, Оллоҳнинг инояти билан яна муборак Рамазон ойи рўзасини бажо этдик. Рўза ойида савобталаб юртдошларимиз дастурхон ёзиб, рўзадорлар учун ифторликлар қилдилар. Аммо ана шу ифторликларимиз ҳам исрофгарчиликдан ҳоли эмас. Худди рўза тутишдан асл мақсад куни билан оч юриб, кечга бориб бўккунча овқат ейишдан иборатдай, айрим жойларда ифторлик дастурхони турли ноз-неъматлар билан керагидан ортиқ тўлдириб ташланди. Яна ўша нонларнинг, қуюқ-суюқ таомларнинг ортиб қолиб, исроф бўлганини кўрдик. Ваҳоланки, пайғамбаримиз Муҳаммад(САВ) бир ҳадисларида: «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар», деб буюрганлар.

Йил ўн икки ой пешона тери тўкиб меҳнат қилиб, ғалла етиштирган деҳқоннинг, ана шу ғалладан ун тортган тегирмончиларнинг, дастурхонимизга иссиқ, бўрсилдоқ нонларни тортиқ этаётган нонвойларнинг меҳнатини қадрлайлик. Истиқлол боис ўзимизнинг беминнат нонимизга эга бўлган эканмиз, уни увол қилмайлик, исроф этмайлик. Фарзандларимизга ҳам нонниг қадрини, унинг нақадар улуғ неъмат эканлигини ҳар қадамда тушунтириб борайлик.

Абдулборий Иброҳим ўғли,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани.

Ҳарбий техника янгиликлари

СИНОВЛАР ЯКУНИГА ЕТМОҚДА

Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли ASTOR SENTINEL R1 русумли ҳаво разведкаси ва зарба беришни бошқариш тизими самолёти «Рейтеон» компанияси бошчилигидаги бир қатор фирмалар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур самолёт U-2RFS русумли разведкачи самолётнинг ASARS-2 радиолокация станцияси асосида яратилган янги радиолокация станцияси билан жиҳозланган. Жанговар фаолият жараёнида нишонлар ҳақидаги маълумотлар ердаги станцияларга етиб келади, у ерда компьютер таҳлилидан ўтгандан сўнг ёпиқ каналлар бўйича ахборотлар истеъмолчиларга етказиб берилади. Радиолокация станцияси ва маълумотларни қайта ишлаш тизимидан ташқари, борт ускуналари таркибига маълумотларни узатиш линияси аппаратураси, йўлдош орқали алоқа тизими ва самолётни ҳимоя қилиш воситалари киритилган.

Самолётнинг асосий техник-тактик тавсифлари: экипаж 7 кишидан иборат (шу жумладан, 4 оператор); юксиз самолётнинг оғирлиги 22820 кг, максимал кўтарилиш оғирлиги 43545 кг, максимал учиш тезлиги соатига 935 км, энг юқори кўтарилиш нуқтаси 15545 м, максимал учиш узоқлиги 11200 км, патруллик қилиш вақти 4–6 соат.

Кучланиш қурилмаси: Британиянинг «Роллс-Ройс» фирмасида ишлаб чиқилган, ҳар бирининг максимал тортиш кучи кўтарилиш режимида 65,6 кН бўлган BR710A2–20 русумли иккита турбовентилятор двигатели. Самолётнинг узунлиги 30,3 м, баландлиги 7,57 м, қанот кўлами 28,65 м, қанот майдони 94,95 кв.м. ASTOR тизимидаги тажрибавий самолётнинг илк парвози 2003 йилнинг октябрида амалга оширилган. Ҳозирги вақтда тизимнинг сўнгги синовлари якунига етмоқда.

ТАРТИБ РАҚАМИ – ТЎҚҚИЗИНЧИ

«Нимитц» типидаги CVN-76 «Рональд Рейган» русумли кўп мақсадли атом авианосеци – шу сериядаги яратилиши режалаштирилган ўнта кеманинг тўққизинчисидир. Унинг қурилишига «Ньюпорт-Ньюс шипбилдинг» компаниясининг кемасозлик верфида 1998 йилнинг 12 февралида асос солинган, 2001 йилнинг 4 мартида эса илк бор сувга туширилган ва 2003 йилнинг 12 июлида ҳарбий-денгиз флотининг жанговар таркибига киритилган.

Авианосецнинг асосий тактик-техник тавсифлари: тўлиқ сув сиғими 98000 т, узунлиги 334 м, эни 40,8 м, сувга ботиб туриш даражаси 11,9 м, учиш палубасининг эни 78 м, тўрт валли ядровий энергетик қурилмасининг қуввати 280000 от кучига тенг (иккита A4WFA1G сув реактори), тўлиқ сузиш тезлиги 30 узел.

Қуроллари – «НАТО Си Спарроу» зенит-ракета комплексининг учта саккиз зарядли Мк-29 русумли ишга туширши қурилмаси (ПУ), RAM зенит-ракета комплексининг иккита 21 зарядли Мк-49 русумли ишга туширши қурилмаси ва тўртта олти стволли, 20 мм.ли «Вулкан–Фаланкс» Мк 15 зенит-артиллерия комплекси.

Мазкур авианосецга 14-палуба авиақаноти бириктирилган бўлиб, унинг таркибига олтита F/A-18 E «Супер Хорнет», 36 та F/A-18 C «Хорнет», тўртта EA-6 B «Проулер», тўртта E-2 C «Хокай», 8 та S-3B «Викинг», 4 та C-2A «Грейхаунд», 4 та SH-60 F, иккита HH-60 H «Сихок» самолётлари киради. Экипаж 3200 киши (160 офицер), авиақанотнинг учувчи-техник таркиби 2480 киши (320 офицер), поход штаби таркиби 780 киши (25 офицер)дан иборат.

(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Конфликты в Африке стоят недешево

Почти 300 млрд. долларов было потрачено в Африке за последние 15 лет на вооруженные конфликты, утверждают авторы доклада, занимавшиеся изучением этой проблемы. Примерно такую же сумму получили африканские государства в виде помощи от международного сообщества, сообщает Би-би-си. До сих пор эксперты ни разу не пытались оценить финансовое бремя вооруженных конфликтов.

Мьянма вышла из «золотого треугольника»

Мьянма стала в этом году вторым после Афганистана мировым производителем опиума, заявил на пресс-конференции в штаб-квартире ООН глава Управления ООН по наркотикам и преступности Антонио Мария Коста. Ранее Мьянма входила в так называемый «золотой треугольник» стран, сокративших производство опиума.

Обстреляна военная база

В результате обстрела американской военной базы в Ираке два человека погибли, и 38 были ранены, передает Интерфакс. Инцидент произошел на базе «Camp Victory», расположенной под Багдадом. Кроме американских военнослужащих, там размещаются также солдаты и офицеры других стран коалиции. О национальной принадлежности погибших и раненых не сообщается.



Оружейный плутоний от КНДР

Американские спецслужбы полагают, что в КНДР по состоянию на октябрь 2006 года могло быть произведено максимум 50 кг оружейного плутония, пригодного для создания, по меньшей мере, шести ядерных зарядов. Об этом говорится в представленном в Конгресс США докладе разведывательных организаций США, копия которого оказалась в распоряжении информационного агентства Kyodo. В единственном в КНДР действующем ядерном реакторе также находится около 8 тысяч топливных стержней, из которых можно извлечь плутоний.

Стрельба в школе США

По последним данным, в результате стрельбы в средней школе Кливленда, которую устроил 14-летний подросток, пострадали пять человек. Учащийся Аса Кун открыл огонь по ученикам, а затем застрелился. Бойню в школе засняли видеокамеры наблюдения, сообщает Би-би-си. По данным журналистов, нападавший был недоволен тем, что его отчислили от занятий за драку, которая произошла за два дня до ЧП.

Покорен высочайший вулкан

Чилийцы Гонсало Браво и Эдуардо Каналес занесены в Книгу рекордов Гиннесса: они покорили на автомобиле Охосдель-Саладо – потухший вулкан на севере Чили. На внедорожнике 1986 года выпуска, которому один из них «слегка модифицировал» механическую часть, они достигли вершины вулкана, поднявшись на высоту 6688 метров. Выше 5000 метров на вулкане – вечные снега.

Влажность воздуха и климат

Климат Земли меняется не только из-за глобального потепления, но и увеличения влажности воздуха. К такому выводу пришли американские и британские ученые. Менее чем за последние 30 лет уровень влажности воздуха рядом с поверхностью земли вырос на 2,2%, отмечают они. Значительно увеличился этот показатель и над поверхностью Мирового океана. Ученые установили также, что повышение уровня влажности, так же, как и парниковые газы, является результатом жизнедеятельности людей.

Зубастый монстр

На побережье Гвинеи в Западной Африке нашли неизвестное животное огромных размеров. У него есть голова, лапы, зубы и хвост. Предположительно, тело мертвого монстра вынесло на отмель во время шторма. Ученые полагают, что им удалось обнаружить новый вид животных, доселе неизвестный науке. По предположению ученых, Африка хранит в себе еще немало интереснейших находок.

(www.NEWSru.com).

Люди армейского спорта

НОВОЕ УВЛЕЧЕНИЕ ДИЛЬМУРОДА

В воинском коллективе младшего сержанта Дильмурода Исматуллаева знают не только как отличного пулеметчика и надежного товарища, но и как военного спортсмена. Начав с рукопашного боя, он добился весомых результатов и в тайском боксе (муай-тай), а недавно стал осваивать еще и секреты айкидо.

Уроженец кишлака Гульшан Чартакского района Наманганской области с тринадцати лет занимается рукопашным боем у тренера Бахрома Абдуллаева. Еще в школе стал чемпионом Узбекистана по муай-таю, а перед призывом в армию успел завоевать Кубок страны и выполнить норму мастера спорта.

Служил в комендантском взводе школы подготовки сержантов, где были созданы оптимальные условия для тренировок.

Воинская служба настолько увлекла парня, что он остался на ней по контракту. Боевые навыки мастера оказались весьма кстати, вот только выступать на соревнованиях пришлось уже меньше. И все же Дильмурод в 2004 году становится серебряным призером чемпионата страны, а через год уже побеждает на чемпионате Азии по муай-таю, прошедшем в Ташкенте.

Пояс чемпиона Азии не освобождал талантливого спортсмена от служебных обязанностей. Но чуткие командиры, под чьим началом он служил, стремились, по мере возможности, помогать воину в деле поддержания спортивной формы.

– В нашем подразделении очень высокие требования к военным профессионалам, – рассказывает младший сержант Д.Исматуллаев. – И это вполне понятно, ведь нам приходится выполнять различные учебно-боевые задачи. Поэтому помощь командования в таких вопросах, как тренировки и выезды на соревнования, имеет порой решающее значение.

Недавняя встреча с младшим сержантом Д.Исматуллаевым состоялась в спортивном центре Вооруженных Сил, где он проходил учебно-методические сборы по обучению методике айкидо. Новый вид спорта всерьез увлек молодого человека, он с огромным интересом слушал пояснения руководителя занятий из Федерации айкидо Узбекистана, уточняя те или иные моменты. Нет сомнений в том, что младший сержант Дильмурод Исматуллаев успешно освоит новый для себя вид восточных единоборств, сумеет в простой и доходчивой форме донести обретенные здесь знания и навыки до сослуживцев, а в будущем добиться новых успехов в большом спорте.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

ҒАЛАБАГА ИНТИЛАР ЙИГИТНИНГ МАРДИ

Ёшлигидан спортга бўлакча меҳр қўйган Алишер аввалига бир нечта спорт турларида ўзини синаб кўрди. Бир куни ўртоқлари Амин ва Жамол унга қўл жанги спорт клубига қатнаётгани ҳақида айтиб қолишди. Шарқ якка курашининг бу жозибадор тури уни қизиқтириб қолди. Шунда йигитча ортиқ ўйлаб ўтирмай ўртоқлари билан клубга боришга аҳд қилди. Эртаси куни Навоий шаҳридаги муҳташам «Динамо» спорт мажмуасига борганида Алишерни клубнинг бош мураббийи, қўл жанги бўйича спорт устаси Карим Холиқов илиқ чеҳра билан қаршилади. Дастлабки кун ёш шогирдини синовдан ўтказган тажрибали мураббий келажакда ундан етук спортчи етишиб чиқишини англаб етганди. Шундан сўнг у Алишерга илк машғулотлар бўйича сабоқ бера бошлади. Ҳар куни қўл жанги бўйича янги-янги машқларни ўзлаштириб бораётган йигитча тез орада ўз истеъдодини намоён қила бошлади. Аввалига клубда ўтказилган саралаш мусобақаларида муваффақиятли баҳс юритиб, тенгқурлари орасида етакчиликка эришган Алишер қисқа фурсат ичида тинимсиз машқ қилиб, ҳатто шаҳар миқёсида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида ҳам ўз вазни бўйича совринли ўринларни қўлга кирита бошлади. Вилоят миқёсида ташкиллаштирилган бир қатор мусобақаларда маҳоратини тоблаб борган йигитча биринчи маротаба 2004 йил Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этди. Ёшлар ўртасида ўтказилган мазкур мусобақада ўзбекистонлик маҳоратли қўл жанги усталаридан ташқари МДҲ давлатларидан ташриф буюрган тажрибали спортчилар биринчилик учун баҳс юритишди. Энг оғир вазнда майдонга тушган Алишер учун ушбу мусобақадаги баҳслар том маънода тажриба орттиришга бир имкон бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. У дастлабки тур беллашувларида ҳамюртларимиз билан бир қаторда қозоғистонлик, қирғизистонлик спортчиларни мағлубиятга учратиб, финал сари дадил борди. Финалда эса тожикистонлик қўл жанги устаси билан куч синашишди. Муросасиз жанг тақдири эса тажриба бобида вакилимиздан анча устун бўлган мезбонга насиб этди. Иккинчи ўрин билан кифояланган Алишер мағлубиятидан тушкунликка тушмай, янада маҳоратини шакллантириш учун тинимсиз машқ олиб борди. 2005 йил Наманган шаҳрида республика миқёсида бўлиб ўтган турнирда ҳам у муваффақиятли иштирок этди. 75 килограмм вазнда гиламга чиққан ўғлон чиройли жанг санъатини намойиш қилиб, иккинчи ўринга лойиқ топилди. Ўша йил пойтахтда ўтказилган халқаро турнир учун анча омадли кечди. Мазкур беллашувда ҳам 75 килограмм вазнда гиламга чиққан Навоий вилояти жамоасининг аъзоси Алишер Абдураҳимов бир қанча муросасиз жангларни ўз фойдасига ҳал қилиб, финалга етиб келди. Ҳал қилувчи учрашувда унга пойтахтлик спортчи рўбарў келди. Барча имкониятларини тўлиқ ишга сола олган Алишер рақибини белгиланган вақтдан анча олдин мағлуб қилиб, олтин медални қўлга киритди. 2006 йил Алишер Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга отланди. Масъулиятни ҳис қилиб, командирлари буйруқларига сўзсиз бўйсуниб келаётган посбон тезда устоз офицерларнинг ишончини қозонди.

– Армия ҳаёти менинг ҳар томонлама шаклланишимда ниҳоятда қўл келди, – дейди биз билан суҳбатда оддий аскар Алишер Абдураҳимов. – Бу ерда ҳарб илми билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик бўйича янги-янги билимларни ўзлаштириб бораяпмиз. Бунинг учун эса ҳарбий қисмимизда барча шароитлар яратилган.

– Ўқув мавсуми машғулотларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган посбон жамоасининг юқори поғонани забт этиши учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Яқинда ўтказилган дала ўқув машғулотида ҳам посбоннинг жанговар тайёргарлиги юқори баҳоланиб, қисм қўмондонлиги томонидан эътироф этилди. Ўз навбатида ҳарбий қисмда сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлиб келаётган шунқорга Мудофаа вазирлиги томонидан «Ҳарбий спортчи» ҳамда «Жанговар тайёргарлик аълочиси» деган кўкрак нишонлари топширилди. Айни пайтда муддатли ҳарбий хизмати тугаш арафасида турган посбон тавсияномага талабгорлардан. Алишер хизматдан сўнг Навоий шаҳридаги Педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ҳужжат топширишни мақсад қилиб қўйган. Ҳаётда доимо юқори чўққилар сари интилиб, бунинг учун тинимсиз изланаётган посбоннинг олдидаги ҳар бир давонни матонат билан енгиб ўтишига ишонамиз.

Хуршид КОМИЛЖОНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Информация в номер!

УСПЕХ НАШИХ САМБИСТОВ

На чемпионате мира среди мастеров борьбы самбо, прошедшем на днях в Салониках (Греция), успешно выступила сборная Узбекистана. В командном зачете наши земляки завоевали третье место, удостоившись шести медалей различной пробы.

Чемпионом мира в весе до 62 кг стал Зайниддин Урунбаев, серебряная медаль в активе Игоря Овчинникова (90 кг), бронзовые медали на счету Хайритдина Зайнилова (62 кг), Талгата Яппарова (62 кг), Александра Тимощенко (74 кг) и Шерназара Хамзаева (100 кг).

Отрадно, что среди призеров данного престижного ветеранского состязания есть и представитель спортактива МХСК майор Хайритдин Зайнилов. Поздравляем!

Наш корр.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жорий йил йигирма олтинчи октябрь куни Макаода бошланадиган иккинчи Осиё чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳозирда ушбу нуфузли мусобақада иштирок этадиган Ўзбекистон делегацияси аъзолари сафи аниқланмоқда. Макаога бориш учун юзга яқин спортчи орасидан энг сара беш нафар спортчи танлаб олинди. Мутахассислар томонидан Таиландда олтин медалга сазовор бўлган Мавлонбек Қаҳҳоров Макаода ўтадиган мусобақада муваффақият қозониши таҳмин қилинмоқда. Шунингдек, яна тўрт нафар спортчи – Муҳаммадқодир Собиров, Озодбек Қосимов, Абдулла Худойбердиев ва Артур Қодирқулов йирик спорт анжуманида илк бор иштирок этади.

●

Украинанинг Евпатория шаҳрида кураш бўйича биринчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Мазкур мусобақа халқаро кураш ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси ҳамда Евпатория шаҳар кенгаши ва Украина кураш федерацияси кўмагида ташкил этилди.

Мусобақада Ўзбекистон, Украина, Россия, Польша ва бошқа мамлакатларнинг полвонлари иштирок этди.

Турнир уч оғирлик вазнида – эркаклар ва аёллар ҳамда 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар тоифалари ўртасида бўлиб ўтди. Беллашув якунлари бўйича совриндорлар ҳамда турнир иштирокчиларига эсдалик нишонлари, қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди.

●

Россия пойтахти Москва шаҳридаги «Олимпийский» спорт мажмуида давом этаётган теннис бўйича «Кремль кубоги» анъанавий халқаро турнирида Денис Истомин юртимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилмоқда. Теннисчимиз «Кремль кубоги» мусобақасининг иккинчи босқичида украиналик теннисчи Сергей Стаховский билан ўтказган баҳсини 7:6, 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

●

Таиландда оғир атletика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Мансур Чашимов (85 кг.) кучли саккизликдан жой олиб, келгуси йили Хитой пойтахти Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Теннис

КАШФИЁТЛАР ТУРНИРИ

Ҳар йили олтин куз ўзининг сахий нурлари-ла заминимизни сийлаган бир пайтда мамлакатимизда теннис бўйича нуфузли бир мусобақага старт берилади. У ҳам бўлса аёллар ўртасидаги Тошкент опен турниридир. Мана бир неча йилдирки, Тошкент очиқ чемпионатида жаҳоннинг энг кучли теннисчилари профессионал тур тақвими учун қимматли рейтинг очколарини жамғариб олиш мақсадида Тошкент теннис марказида куч синашиб келишмоқда. Мусобақанинг дастлабки йиллари, яъни 1996 йил ва ундан кейин жаҳоннинг тенниси ривожланган мамлакатлар вакиллари шоҳсупанинг юқори поғоналарини банд этишди. Бу пайтда эса энди катта теннисга қадам қўйган бизнинг вакилларимиз Ирода Тўлаганова, Лилия Биктяковалар профессионал ўйин сирларини ўрганиш баробарида тажриба орттириб боришди. 2000 йилга келиб ушбу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Ўша йили уч нафар қизимиз асосий даврада иштирок этган бўлса-да, Ирода кутилмаганда ўзидан анча тажрибали рақибларини доғда қолдириб, чемпионат ғолибасига айланди. Мазкур мусобақадаги унинг ушбу шижоати мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Кейинги йиллар давомида Ирода Тўлаганова билан бир қаторда Варвара Лепченко, Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроилова каби истеъдодли ракетка усталари мамлакатимиз шаънини ҳимоя қила бошлашди. 2005 йилда Оқгул финалгача етиб бориб мамлакатимизда Тўлаганованинг издошлари етишиб чиқаётганини амалда кўрсатди. Ушбу беллашувда россиялик Е. Веснина, италиялик М. Камерин сингари жаҳонга машҳур ракетка усталарини мағлуб қилиб, финал сари дадил ҳаракат қилди. Аммо финалда унга нидерландиялик яна бир кучли теннисчи Е. Крайчек рўбарў келди. Оқгул рақибига осонликча таслим бўлмади. У дастлабки сетни 0/6 ҳисоб билан рақибига тортиқ қилган бўлса, иккинчи сетни (6/4) ўз фойдасига ҳал қилди. Учинчи сет яна (3/6) нидерландиялик ракеткачи фойдасига ҳал бўлди.

Ўтган йилги баҳсларда ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Кучли жароҳатдан сўнг қайта соғайиб, кортга қайтган Ирода яна маҳоратини тўла ишга солиб, бир қатор чиройли ўйинлар кўрсата олди. Финалгача бўлган йўлда у таиландлик Т. Танасугарн, украиналик К. Бондаренко ҳамда россиялик О. Путчкова сингари кучли теннисчиларни мағлуб қилди. Финалда эса хитойлик Т. Сун билан куч синашишди. Аммо ушбу беллашувнинг тақдири икки сетга кўра, яъни 6/2, 6/4 ҳисоб билан Суннинг фойдасига ҳал бўлди.

Тошкент опенининг бу йилги баҳсларида Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова билан бирга ёш теннисчиларимиздан Влада Яхшибарова, Диляра Саидхўжаевалар асосий турда кортга тушишди. Биринчи давра учрашувида Диляра украиналик тажрибали теннисчи Маня Коницева билан тўқнаш келди ва ўйин тақдири (6/1, 6/2) меҳмоннинг фойдасига ҳал бўлди. Ушбу давра учрашувида Ирода ҳам кутилмаганда россиялик О. Путчковага имкониятни бой бериб қўйди (7/5,6/3). Истеъдодли теннисчимиз Влада эса Ирода учун россияликлар вакилидан реванш олди. У турнирда саккизинчи рақам остида сараланган Алла Кудрявцевани 6/2, 6/3 ҳисоб билан доғда қолдириб, навбатдаги босқичга йўл олди. Мазкур даврада Оқгул ҳам чехиялик Ҳана Сромовани 6/3, 7/6 (2) ҳисоб билан таслим қилиб, иккинчи давра учрашувига йўл олди. Ушбу давра учрашувида Влада қирғизистонлик Ксения Палкинага бироз қийинчилик билан бўлса-да йўл очиб берди (7/5, 5/7,7/5). Оқгул эса Ирода учун Путчковадан ўч олди (6/3, 6/4). Чорак финалга етиб келган Омонмуродова франциялик тажрибали ракетка устаси Паулин Парментиер билан тўқнашди. Кўплаб йирик халқаро кортларда маҳоратини шакллантирган меҳмон вакилимизни 6/4,6/3 ҳисобда мағлубиятга учратди. Ярим финалда турнирнинг яна бир кучли теннисчиси беларуслик Олга Говорцовани (6/2,7/5) доғда қолдирган Паулин финалга етиб олди. Ҳал қилувчи учрашувда беларуслик яна бир маҳоратли теннисчи Виктория Азаренка ҳам франциялик рақибасини тўхтата олмади. Шундай қилиб, Тошкент очиқ чемпионатининг бу йилги чемпиони номига француз ракетка устаси Паулин Парментиер сазовор бўлди. Мусобақа сўнгида ғолибларга совғалар топширилди.

Карина ҚУРБОНОВА.



IV Всемирные военные игры

СПОРТИВНЫЕ НАДЕЖДЫ АТЛЕТОВ

На днях спортивная делегация Узбекистана вылетела в Индию для участия в IV Всемирных военных играх. Тридцать пять атлетов будут защищать честь нашей Родины по четырем видам спорта.

Самая многочисленная – 12 спортсменов – команда по легкой атлетике во главе с подполковником Рауфом Хамидовым. В ее составе призеры Азиатских игр и чемпионатов континента младшие сержанты Сергей Войнов, Людмила Дмитриади и Любовь Перепелова, опытная Замира Амирова, которые поведут за собой молодежь на штурм наград состязаний.

Кстати, в Хайдарабаде и Мумбае предстоит разыграть 1076 медалей, за которые будут спорить 3227 атлетов из 107 стран мира. На предыдущих играх 2003 года в Италии в командном зачете первенствовала сборная Китая, завоевав 31 золотую, 12 серебряных и 8 бронзовых медалей. У сборной России второе место (25 – 34 – 33), а третье – у Италии (20 – 14 – 19).

Вторая по численности команда, 11 участников, – по боксу. По словам старшего тренера майора Уйгуна Сиддикова, настрой у ребят боевой, хотя едет второй состав. Мы уже писали о том, что первые номера МХСК будут защищать цвета национальной сборной на чемпионате мира в Чикаго, где будут разыграны и олимпийские лицензии. Надеемся, что индийский ринг откроет миру новые имена. Ведь и на Играх в Катании узбекские бойцы произвели настоящий фурор, заняв командой второе место.

Очень сильная у нас и команда дзюдоистов, ставшая серебряным призером чемпионата мира среди военнослужащих в Хорватии. Заслуженный тренер Узбекистана Борис Григорьев везет в Индию уже испытанных в Дубровнике борцов – это младший сержант Рамзиддин Сайидов, рядовые по контракту Шамсиддин Сайидов, Сухроб Дустов, Уткир Салямов и Уткир Курбанов, рядовой срочной службы Сергей Лим. Дебют состоится у Ришота Сабирова.

Неплохие шансы на медали и у борцов греко-римского стиля. Верится, что опытный турнирный боец младший сержант Дамир Захартдинов сумеет задать победный тон всей борцовской пятерке.

Несмотря на то что установлен рекорд по числу стран-участниц (107), не отправили своих спортсменов такие крупные государства, как Австралия, Великобритания, Япония, а вся Центральная Азия будет представлена только Узбекистаном. Кстати, V Всемирные военные игры пройдут в Рио-де-Жанейро в 2011 году.

Наш корр.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш

ҚЎШ ҒАЛАБА

Жанубий Кореяда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун куч синашди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган каноэда эшкак эшиш устаси Вадим Миньков 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойгаларда барча рақибларини ортда қолдириб, терма жамоамиз ҳисобига бир жуфт олтин медаль тақдим этди.

Ўзбекистонлик каноэчилардан Герасим Кочнев ҳамда Серик Мирбеков 1000 метрга ўтказилган пойгада кумуш медални қўлга киритишган бўлса, 200 ва 500 метрлик пойгаларда ҳамюртларимиз маррага учинчи бўлиб келишди.

Байдаркада эшкак эшиш бўйича тажрибали Сергей Борзов ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқлади. Дастлаб 500 метрга якkaликлар ўртасида ўтказилган пойгада кумуш медални қўлга киритган тажрибали спортчимиз тўртликлар баҳсида бир километр масофани босиб ўтишда Владимир Осокин, Вячеслав Горн ва Алексей Питяков каби ёш спортчиларимизга ёрдамлашиб юборди ва жамоамиз ҳисобига яна бир кумуш медаль келтирди. Бундан ташқари, мазкур тўртлик 200 ва 500 метрлик пойгаларда ҳам бир жуфт бронза медалга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида 15 километрга ўтказилган пойгада эса Ксения Прилепская ҳамда Мария Михеда дуэти шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Осиё чемпионатида иккита олтин, учта кумуш ва бешта бронза, жами ўнта медални қўлга киритган ҳамюртларимиз келаси йили баҳор ойида ташкил этиладиган ва Пекин Олимпиадасига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Футбол янгиликлари

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маълумки, 2010 йилда Жанубий Африка Республикаси футбол майдонларида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда иштирок этувчи жамоаларни аниқлаб берувчи саралаш босқичи учрашувлари 2008 йилнинг февраль ойидан бошланиши режалаштирилган эди. Аммо кўпинча ўзининг ажабтовур қарорлари билан футбол мутахассислари ва мухлисларини лол қолдирувчи Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) жорий йилнинг август ойида кутилмаганда Жаҳон чемпионати – 2010 саралаш босқичи октябрь ойида бошлаб юборилишини маълум қилди. Бу эса қитъамиздаги кўплаб терма жамоалар учун кутилмаган ҳол бўлди. Шу жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси учун ҳам. Чунки, футболчиларимиз Осиё чемпионатида қатнашганликлари ва олдинда турган миллий чемпионат ва мамлакат кубоги ўйинларининг тиғизлигини ҳисобга олган ҳолда кузда терма жамоа билан ўқув-ийғин машқлари ўтказиш режалаштирилмаган эди. ОФК қарорига кўра эса футболчиларимиз 13 ва 28 октябрь кунлари Хитой Тайпейи терма жамоаси билан саралаш босқичи учрашувини ўтказишлари маълум бўлди.

Куни кеча миллий терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев ана шу ўйинларга тайёргарлик кўрадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Таркибдан асосан Осиё чемпионатида иштирок этган футболчилар жой олган. Улар қаторида олимпия терма жамоаси аъзоларидан А.Ражабов, О.Аҳмедов, Ш.Саломов, «Машъал» вакили В.Клишинларни ҳам кўриш мумкин. Жиддий жароҳатдан сўнг яна сафга қайтган А.Алиқулов учун Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи ўйин мамлакат бош жамоасидаги эллигинчи учрашув бўлади. 8 октябрда бошланган ўқув йиғинига легионерлардан М.Шацких, В.Денисов ва А.Ибрагимовлар ҳам таклиф қилинган. Фақат истеъдодли ҳужумчи Александр Гейнрих бу сафар рўйхатга киритилмаган. Бунга унинг миллий чемпионат баҳсларида барқарор ўйин кўрсата олмаётгани сабаб бўлди.

ЧЕМПИОНАТДА ҚИСҚА ТАНАФФУС

Олий лига жамоалари миллий чемпионатимизнинг 23-тур учрашувларини ўтказишди. Турнинг марказий учрашувида бронза медаллари учун кураш олиб бораётган «Машъал» ва «Нефтчи» жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Учрашув тугашига 8 дақиқа қолганда майдон эгалари ҳимоячиси Д.Ваниев томонидан киритилган ягона тўп мубораклик футболчиларга муҳим ғалаба келтирди ва улар эндиликда «Нефтчи»дан 6 очкога ўзиб кетишди.

Учрашувда ҳисоб йиғирикроқ ҳам бўлиши мумкин эди, аммо 32-дақиқада «Машъал» сардори Х.Каримов 11 метрлик жарима тўпини аниқ бажара олмади.

Мусобақа пешқадамлари – «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари ҳам навбатдаги ғалабаларга эришиб, ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Пахтакорчилар «Шўртан»ни 3:1 ҳисобида доғда қолдирган бўлсалар, «Қурувчи» Наманганда «Навбаҳор»ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» – «Тўпаланг» – 1:2, «Самарқанд-Д» – «Насаф» – 2:0, «Қизилқум» – «Андижон» – 2:0, «Трактор» – «Вобкент» – 2:1, «Металлург» – «Локомотив» – 0:2.

Чемпионатнинг навбатдаги тури 20-21 октябрь кунлари ўтказилади. Қисқа танаффус миллий ва олимпия терма жамоаларимиз халқаро учрашувларда иштирок этиши билан боғлиқ. Бош терма жамоамиз 13 октябрда жаҳон чемпионатига саралаш учрашувида Хитой Тайпейи жамоасини қабул қилса, олимпиячилар 17 октябрь куни Баҳрайн олимпиячилари меҳмони бўлишади.

С.ПЎЛАТОВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 5 октябрь куни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган тантанали маросимга иқтидорли талаба-ёшлар, фан олимпиадалари, ижодий кўрик-танлов ва беллашувлар ғолиблари, нуфузли стипендиялар совриндорлари, ота-оналар, ўқитувчилар, таълим тизими мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни чуқур билимли, соғлом, мустақил фикрга эга бўлган юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётир.

Мазкур ҳужжатларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бугунги кунда иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга таълим бериш борасида барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар бунга яққол мисолдир. Ёшлардаги истеъдод қирраларини кашф этиш, янги изланишлар сари даъват этиш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиш ушбу ташкилотлар фаолиятида устувор аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ёшларида тобора катта қизиқиш уйғотаётган «Келажак овози», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон» каби кўрик-танловлар, фестивалллар, кўргазмалар, концертлар, таълим грантлари дастури бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ижодий беллашувлар, дастурларнинг совриндорлари ўзлари танлаган соҳалар бўйича фаол изланишлар олиб бораётгани, нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ва фестивалларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани қувонарлидир.

«Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури йигит-қизларнинг билим олишга бўлган қизиқишининг янада ортиши, интеллектуал, ижодий ҳамда илмий салоҳияти юксалиши учун янги имкониятлар яратмоқда. Ўтган ўқув йиллари давомида юзлаб талабалар мазкур дастур грантини олишга муваффақ бўлди. Бу йил эса улар сафига яна юз нафар истеъдодли йигит-қиз қўшилди.

– Мен «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастурида ғолиб чиққанимдан жуда бахтиёрман, – дейди Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг қорақалпоқ тили филологияси факультети журналистика бўлими талабаси Гулнора Нуримбетова. – 2005 йили Таълим грантлари дастурида, 2006 йили «Келажак овози» кўрик-танловида бадиий ижод ва публицистика йўналишида ғолиб чиққан эдим. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, касб эгаллаши, камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Биз, ёшлар бундай улкан эътиборга муносиб бўлмоғимиз, унинг қадрига етмоғимиз, унга аъло ўқишимиз, изланишимиз, ҳалол меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз лозим.

– Юртимизда қобилиятли, иқтидорли ёш борки, барчаси албатта меҳр-эътибор, рағбат топаяпти , – дейди Андижон давлат университети талабаси Эркин Қамбаров. – Мен «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ёшлар учун ташкил этилаётган турли ижодий-интеллектуал лойиҳалар, кўрик-танловлар, ранг-баранг фестивалларни диққат билан кузатиб бораман, ўзим ҳам уларда иштирок этаман. Бундай маданий-маърифий тадбирлар биз каби бутун Ўзбекистон ёшларининг истиқболдаги юксак парвози учун пухта замин яратади. Иқтидор эгаларини эъзозлаш йўлида кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларни янада фаолроқ бўлишга, уларда қатъий фуқаролик позициясининг шаклланиши, юрт тақдири учун масъулиятни астойдил ҳис этишга чорлайди.

Маросимда «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» дастури ғолибларига дипломлар топширилди. Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Интилганга толе ёр

МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ МЕҲНАТДА

Маълумки, мамлакат эртаси билимли, изланувчан ва интеллектуал салоҳияти юксак ёшлар қўлидадир. Бугун истиқлол сабаб бундайларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ҳеч кимдан кам қилмасдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида эса иқтидорлилар сафи тобора кенгайяпти.

Ёшлар орасидан чинакам иқтидор эгаларини танлаб олиш, уларнинг имкониятларини янада ошириш ҳамда илғорларни ўз вақтида муносиб рағбатлантириб бориш каби масалаларда юртимизда ўтказиб келинаётган турли танловларнинг ҳам ҳиссаси бор. Ва яна айтиш мумкинки, бу каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши ёшларни янада ғайрат-шижоатга ундаб, ўз ўрнида уларга куч ва имкониятларини баҳолашларида маълум синов вазифасини ҳам ўтамоқда.

Тенгдошимиз жиззахлик Мансур Жумабоев ана шундай синовларнинг бир нечтасида ғолибликка эришган истеъдодли ёшларимиздандир. Билимга чанқоқ ҳамда юксак заковат эгаси бўлган Мансур ўтган йили Fond Forum.uz ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорликда ўтказган «Келажак овози» мега-танловида «Бадиий ижод» номинацияси бўйича олий ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳар доим изланиш ва интилишда бўлгани сабаб, ўша йилнинг ўзида яна бир қатор кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринлар соҳиби бўлди. Жумладан, «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» танловининг республика босқичида 4-ўрин, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида эса 2-ўринларни банд этди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Шу тариқа интилувчан, тиришқоқ ва порлоқ келажак сари ишонч билан дадил қадам ташлаётган бу ўғлонга 2007 йил ҳам омадли келди. У «Келажак овози» ғолиби сифатида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига имтиёзли равишда қабул қилинди.

– Талабалар сафига қўшилганимдан қувончим чексиз, – дейди Мансур. – Чунки билим ва салоҳиятимни янада оширишимда талабалик катта имконият беради. Бундан ташқари бизнинг сифатли билим олишимиз ва ҳар томонлама шаклланишимиз учун етарлича шарт-шароитлар яратилган экан, бундан унумли фойдаланмоғимиз зарурдир.

Институтда таълим олиш билан бирга бадиий ижодда ҳам самарали меҳнат қилиб келаётган Мансурнинг шу кунгача «Кўзгудаги гуллар», «Уфққа бош қўйган қўёш», «Шарпа» номли ҳикоялар тўплами ҳамда «Қора учқун» шеърлар тўплами нашр этилган. Бу унинг бежиз олий ўринга муносиб топилмаганини яққол кўрсатади.

Фирдавс САИДОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Халқаро анжуман

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАРНИНГ РОЛИ

Бугун демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамиятини шакллантираётган эканмиз, бундай муҳим паллада мамлакат ёшларининг ўз ўрни бўлмоғи лозим. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, ҳукуматимиз томонидан ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, жамиятни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда янгича фикрлаб, замонавий иш юрита оладиган кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга катта эътибор берила бошлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фуқаролик институтлари билан ҳамкорликда янгича фикрлайдиган ва ўз келажагини демократик қадриятлар ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини мустаҳкамлашида кўра оладиган баркамол инсонларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш жараёнига ўсиб келаётган авлодни янада кенг жалб қилиш мақсадида ҳаракат Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Яқинда «Камолот» ЁИҲ марказий кенгашида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди.

Анжуманда Германия, Миср, Россия, Ҳиндистон, Япония ва мамлакатимизнинг етакчи олимлари, экспертлари ҳамда «Камолот» ЁИҲнинг республикамиз ҳудудидаги фаоллари иштирок этишди.

Анжуман Ф. Эберт номидаги халқаро жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари модератор – Вульф Лаппинснинг «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати, ёшларни фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига жалб этиш» мавзусида сўзлаган маърузаси билан ўз ишини бошлади. Шундан сўнг тингловчилар Тошкент Ахборот технологиялари университети кафедра мудири фалсафа фанлари доктори Гулмира Тулепова ҳамда «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Гулруҳ Агзамоволарнинг «Давлатнинг ёшларга оид сиёсати. Ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш», Японияннинг Кюшью университети докторанти Асука Кавананинг «Юқори малакали кадрларни тайёрлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши», Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Миҳожиддин Ҳожиматовнинг «Жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни шакллантириш», Россия Федерация кенгашининг экспертлар кенгаши ёшлар сиёсатига оид секцияси раиси педагогика фанлари номзоди Ольга Дивненколар «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари: фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини шакллантиришда ёшларнинг иштироки», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси докторанти Улуғбек Муҳаммадиев, Германия миллий университетлари Ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мартиас Клингенбергларнинг «Ёшлар ижтимоий хизматлари фаолиятини ташкил этиш», Ўзбекистон мустақил матбуот, оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик жамғармаси раҳбари Жамолиддин Ҳакимов, Жавоҳарлал Неру номидаги Халқаро тадқиқотлар маркази докторанти Судхар Садхир Кумарларнинг «Ахборот (интеллектуал) жамиятни шакллантиришда ёшларнинг иштироки» мавзуларидаги бир қанча қизиқарли маърузалар тингланди. Баҳс-мунозара усулида ташкил этилган анжуманда бугун жадаллик билан ривожланаётган жамият тараққиётида нафақат ўзбекистонлик, балки жаҳон ёшларининг иштироки хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

– Мен мана икки йилдирки, Ўзбекистонда яшаб «Ёшлар ва ҳаёт» мавзусида илмий иш олиб бораяпман, дейди биз билан суҳбатда япониялик олима Асука Кавана. – Ўз изланишларим юзасидан кўплаб мамлакатларда бўлиб, ёшлар билан мулоқотда бўлар эканман, уларнинг жамият тараққиётидаги фаол иштирокининг гувоҳи бўлаяпман.

– Бугун ёшлар ҳақида ҳамма мамлакатларда турлича фикрлар билдирилади, – дейди яна бир суҳбатдошим германиялик Мартиас Клингенберг. – Ҳатто, баъзида уларни лоқайдлик ва тарбиясизликда айблаймиз. Бу мутлақо нотўғри бўлиб, масалага бир томонлама ёндашишга киради. Аслида аксарият ёшларимиз ниҳоятда фаол. Ҳаётимизни фақат ишга боғламасдан уларга ҳам озроқ вақт ажратиб, қалбига қулоқ тутар эканмиз, бунга амин бўламиз. Улар бизнинг тарбиямиз асосида шаклланишади, ҳаётга разм солишни ўрганишади. Бугунги анжуманга мутахассисларни жалб қилиб, бир қанча мукаммал маърузалар тингланди, бу яхши албатта. Кейинги сафар турли мамлакатлардан ёшларнинг ўзларини таклиф қилиб, уларнинг сўзларига ҳам қулоқ тутсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ёшларнинг ўзлари бир-бирларининг ҳаётлари билан яқиндан танишиш билан бирга фикр алмашиб, тажрибаларини ўртоқлашишади.

Халқаро анжуман якунида иштирокчилар фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини шакллантириш жараёнида ёшлар иштирокининг фаоллашуви «Кучли давлатдан–кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширилишининг асосий омилига айланганини алоҳида таъкидлашди.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

– Бундан икки йил аввал туғилган қизимиз сўнгги пайтларда қаттиқ ҳолсизлана бошлади, – дейди Бухоро вилоятининг Жондор туманида яшовчи Бобоқул Мухторов. – Уни Республика болалар кичик инвазивли ва эндовизуал жарроҳлик илмий-амалий марказига олиб келдик. Бу ерда қизчамизнинг қизилўнгачида туғма хасталик борлиги маълум бўлди. Мамлакатимиз олимлари ва Россиядан келган мутахассислар уни замонавий усулда, кесмасдан операция қилдилар. Ҳозир қизимизнинг аҳволи яхши...

– Ушбу касалликни жарроҳлик йўли билан даволашнинг анъанавий усули бола вужудида анча оғир асорат қолдиради, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бош хирурги Абдурашид Ҳамроев. – Янги операция эндоскопик усулда бажарилади, бемор деярли қон йўқотмайди ва тезда соғайиб кетади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда педиатрия ва болалар хирургияси соҳаларини тубдан тараққий эттиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли болаларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими шаклланди. Ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болаларда учрайдиган хирургик хасталикларни замонавий усулларда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда бундан икки йил аввал Республика болалар кичик инвазивли ва эндовизуал жарроҳлик илмий-амалий маркази ташкил этилди. Замонавий тиббий техника билан жиҳозланган марказда ўтган икки йил мобайнида қарийб уч минг нафар беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Марказда ишлаётган шифокорларнинг аксарияти тараққий этган мамлакатларда малака оширган. Улар болаларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг илғор технологияларини муваффақиятли қўллаш баробарида, кенг кўламли илмий изланишларни амалга оширмоқда. Жумладан, олимларимиз ва шифокорларимиз аппендицит, яъни чувалчангсимон ўсимтани консерватив усулда даволашнинг янги технологиясини амалда муваффақиятли қўлламоқда.

Марказда мамлакатимизнинг етакчи болалар жарроҳлари ва россиялик мутахассислар ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмали операцияларни қарийб эллик нафар маҳаллий шифокор махсус телеускуналар орқали кузатиш имкониятига эга бўлди.

Педиатрия соҳасининг ютуқлари ва истиқболларига бағишланган халқаро анжуман доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда иштирок этган хорижлик мутахассислар юртимизда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий технологияларни кенг татбиқ этишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлашди.

– Мамлакатингизда болалар жарроҳлиги соҳасида илғор технологияларни қўллаш учун барча шароитлар етарли, – дейди Россия давлат тиббиёт университети болалар хирургияси кафедраси профессори Александр Разумовский. – Республика болалар кичик инвазивли ва эндовизуал жарроҳлик илмий-амалий маркази фаолияти бунга мисолдир. Бу ерда яратилган имкониятлар туфайли биз шифокорларингиз билан ҳамкорликда уч нафар болада янги усулда эндоскопик жарроҳлик муолажаларини муваффақиятли бажардик. Шуниси эътиборлики, мамлакатингиздаги болалар хасталикларини даволашга ихтисослашган қўплаб тиббий муассасаларда ана шундай шароит мавжуд. Педиатрия ва болалар хирургияси соҳасида иш олиб бораётган олимларингиз халқаро миқёсда ўз салоҳиятини тўла намоён этиши, шифокорларингиз ўз маҳоратини муттасил ошириб бориши учун барча шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон педиатрия ва болалар хирургиясининг порлоқ истиқболидан далолатдир.

ЎзА.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Бу гўзал қиз Нилуфархон Иеломова бўлади. Табиатан анча тиришқоқ ва киришимли бўлган Нилуфар ўз олдига бир мақсад қўйдими, албатта бажаришга интилади. Айни пайтда Тошкент Давлат педагогика университетида таҳсил олаётган қизимиз зукколиги билан ҳам дугоналаридан ажралиб туради. Педагоглик соҳасида фаолият юритиб, миллат ёшларини тарбиялашдек улкан, масъулиятли вазифани зиммасига олган рукнимиз қаҳрамони бу борада тинимсиз билимларини ошириб бораяпти. Кўпчилик қизлардан фарқли ўлароқ миллий либосларимизга Нилуфархоннинг ҳурмати ниҳоятда баланд. У байрамларда миллий каштачилик услубидаги тикилган дўппи ва адраслардан тикилган либосларни ғурур билан кияди.

– Миллий матоларимиз – бу ўзбек аёлларининг кўркидир, – дейди фахр билан суҳбатдошим. – Кўчада миллий либос кийган биронта қиз ё жувонни кўрсам, уларга ниҳоятда ҳавас қиламан.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Аёл – табиатнинг буюк мўъжизаси. Оиласиз жамият, давлат бўлмагани каби, аёлсиз оилани ҳам тасаввур этиш қийин. Аёл – оила чароғбони, фазандларимиз ҳомийси, фаровон, гўзал ҳаётимиз гарови, хонадонимиз файзидир.

Мулоҳаза

ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Муборак истиқлол сабаб, ҳурлик насимлари баралла эсаётган она Ўзбекистонимиз ўз мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган. Бугун юртимизда барча имкониятлар етарли. Айниқса, биз ёш авлод учун ҳукуматимиз улкан ғамхўрлик кўрсатиб, сифатли таълим олишимиз, ишлашимиз ва ҳунар эгаллашимиз кабиларга эътибор қаратилмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз ва фуқаролик бурчимиз эса энг аввало, ҳамиша огоҳ ва сергак бўлиб, осойишталигимизни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шукурки, юртимизда тинчлик, инсонларда кўнгил хотиржамлиги ҳукмрон. Аммо четдан туриб ўзининг вайронкор ғоялари ила фуқароларимизга таъсир ўтказишга уринаётган разил мақсадли кимсалар ҳам йўқ эмас. Ўзининг шахсий манфаатини бошқалар ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик, тажовузкорлик каби ғояларини ўзгаларга сингдиришга уринаётганлар афсуски, бор. Ўз таъсирига тушиб қолганларни раҳнамолари турли ниқоб остида ватани, эл-юрти ва оиласига қарши қўяётганликлари ҳам айни ҳақиқатдир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузгунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоялар инсонни улуғлаб, унинг руҳига қанот бағишлайди. Бузғунчи ғоялар эса ҳамиша тинч халқлар бошига қулфатлар келтиради. Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли бу – ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат эндиликда инсониятнинг бугунги тараққиётига ҳам таҳдид солмоқда.

Киши улғайиб борган сари унинг Ватан ҳақидаги тасаввурлари ҳам кенгайиб боради. Ўз остонасини, ўз туғилиб ўсган жойини, ўз юртига муҳаббатини борган сари чуқурроқ ҳис қилади. Баркамол, ақлан ва жисмонан соғлом, иқтидорли ёшлар ҳар бир миллатнинг келажагидир. Аммо алдов йўли билан ўтиш давридаги ёшларни ўз тузоғига солиб хиёнаткорликка ундаш мухолифларнинг асосий мақсадларидан бири эканлигини ҳамиша ёдда тутиш жоиз. Хўш, вайронкор ғоялар қаердан кириб келиши мумкин, дерсиз? Булар яширин равишда тарқатилиш кўзда тутилган адабиётлар, Интернет ва бевосита тарғиботчилар орқали кириб келади. Ўз мақсадларига эришиш ва ғояларини кўпроқ сингдириш мақсадида улар турли усул ва воситалардан усталик билан фойдаланадилар.

Аммо шуни баралла айтиш мумкинки, Ўзбекистон, ўзбек ёшларининг иродаси бақувват, иймон-эътиқоди мустаҳкам. Улар ҳеч қачон пуч ғоялар ортидан эргашмайдилар. Аксинча, ўз остонаси, ўз оиласи, ўз Ватанини юрак ҳарорати билан ҳимоя қила олади. Юраги Ватан, юрт ишқи билан тепаётган, миллий истиқлол ғоясига содиқ юртдошларимиз қалбида вайронкор ғояларга асло йўл йўқдир.

Рустам РАҲМОНОВ,
ТДЮИ 3-босқич талабаси.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Предстоит проделать большую работу над ошибками. Будьте внимательнее при общении с сотрудниками. Вспомните о доме, позаботьтесь о его благоустройстве и уюте. Займитесь повышением профессионального уровня.

ТЕЛЕЦ

Отношения с коллегами будут сильно зависеть от вашей способности проявить инициативу. Возможны неожиданные конфликты. Постарайтесь сохранять спокойствие. Вероятен как резкий подъем, так и спад деловой активности.

БЛИЗНЕЦЫ

Спокойствие, только спокойствие! Эмоциональность только испортит все дело. Вы в состоянии решить свои проблемы самостоятельно. Вам повезет во многих начинаниях. У вас все получится.

РАК

Благоприятное время для решения личных и служебных дел. Вы будете ощущать поддержку окружающих. Вероятны позитивные перемены на работе. Вам будет сопутствовать удача. Постарайтесь в выходные восстановить силы.

ЛЕВ

Начинайте активно изменять себя и ищите новые пути в личной жизни. Оказав услугу начальству, вы непременно дождетесь благодарности. Прекрасное время для встреч и дружеских вечеринок.

ДЕВА

Вам необходимо сконцентрировать усилия на достижении поставленных целей. Не тратьте время попусту. Вас могут волновать отношения с партнерами. Прекрасное время для построения планов на будущее.

ВЕСЫ

Подходящая неделя для демонстрации творческого потенциала. Наступает прекрасное время для поиска работы. Порадуют новости. Ваш оптимистический настрой подарит хорошее настроение близким людям и друзьям.

СКОРПИОН

Посвятите эту неделю исключительно себе. Вероятны неожиданные встречи и знакомства. Возможно получение социальных привилегий. Ваши желания будут сбываться с пугающей быстротой.

СТРЕЛЕЦ

Все внимание необходимо сосредоточить исключительно на вопросах, связанных с работой. Необходимы осторожность и внимание в выполнении любых дел. Будьте осторожнее в разговорах с коллегами.

КОЗЕРОГ

От вашей ответственности и осознанного отношения к делу зависит успех в ближайшем будущем. Отношения с коллегами продолжают оставаться для вас значимыми. Вас может посетить интересная идея.

ВОДОЛЕЙ

Вас может ожидать временное затишье на работе. Не суетитесь и постарайтесь не давать обещаний: вам будет очень трудно их выполнить. Постарайтесь снизить нагрузку на работе до минимума.

РЫБЫ

Ваша деловая активность будет на высоте. Не стоит заниматься реорганизацией бизнеса. Внимательно проверьте, выполнили ли вы взятые на себя обязательства. Возможно некоторое непонимание ваших действий.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ТЎРА МИРЗАЕВ

ТАРИХ САДОЛАРИНИ ТИНГЛАГАН ОЛИМ

Фольклор асарларининг баъзилари фақат айтишга, бошқаси эса куйлашга, яна қай намунаси ижрога чоғлангани туфайли қоришиқлик (синкретиклик) моҳиятига эга. Айнан уларнинг мўъжизавий таъсир кучи ҳам худди шу айтилиши, куйланиши ва ижросидадир. Уларни биз фақат китоб ва қўлёзма ҳолатида ўқисак, айнан ўқишга мўлжалланганлиги сабабли ҳам қайси маънодадир жонли мўъжизавий хусусиятидан маҳрум бўлиб қолади. Шу боис ҳам фольклор асарларни айтилаётганда эшитиш, куйланаётганда тинглаш ва ижро этилаётганда кўриш кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Шунга қарамай замонлар ўтиши билан фольклор асарларини эл оғзидан ёзиб олиш ва китоб ҳолатида жамлаш ўзига хос анъанага айланиб борди. Бу ўзбек фольклоршунослик тарихида гарчи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асари мисолида илк бор кўзга ташланса-да, асосан XIX асрнинг иккинчи ярмида қайта изга туша бошлади. XX асрга келиб эса бу анъана янада жиддий тус олди.

Бундай олганда фольклор асарини эл оғзидан тўғридан-тўғри ёзиб олиш орқали китоб битилавермайди. Қолаверса, уни ёзиб олишнинг ўзи кишидан алоҳида машаққат ва масъулиятни талаб қиладиган жараён. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев бу йўналишда қалам тебрата бошлаган кунидан ана шу ҳақиқатни англашга интилиб келади, англаган сари эса масъулияти чуқурлаша борди. У фольклор асарларини қандай ёзиб олишнинг илк сабоғини устози Ҳоди Зарифнинг «Луғат ҳам термин тўпловчиларига қўлланма» (1934) сидангина эмас, балки унинг ўзи билан ёнма-ён туриб, дастлаб «Алпомиш» сўнгра бошқа турли жанрларга мансуб асарлар матнини ҳамкорликда нашрга тайёрлаш жараёнида олди. Олим бу соҳада устозининг: «Фольклор ҳарчандки жонли тилда яратилса ҳам жонли тилни ўрганиш учун асосий материал бўла олмайди. Балки у энг биринчи ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади. Чунки фольклор ҳам адабий асар бўлгани учун бунинг ҳам махсус усуллари бор. Жумла қурилиши, сўзларнинг тизимида анъанавий услублари, айрим хусусиятлари бор. Агар айтиш жоиз бўлса, унинг ҳам ўзида адабий тил бор. Шунинг учун жонли тилни текширишда фольклордан фойдаланилар экан, мана шу томонга диққат қилмаслик текширувчини катта хатоларга олиб келса керак», – деган маслаҳатомуз сўзларини ўзига шиор қилиб олди.

Хилма-хил фольклор экспедицияларида қатнашиб, халқ ижоди намуналарини ёзиб олиш, уларни саралаш ва нашрга тайёрлаш жараёнида унинг ўзида ҳам матншунослик тажрибаси ўса борди, малакаси шаклланди. Шу тариқа ўз нуқтаи назарига айланган қарашларини турли-туман муносабатлар билан мақолаларида ифодалаган эса-да, ниҳоят уларни яхлит бир тизимга киритиб, 1980 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро туркология конференциясида «Ўзбек фольклари кўп томлик тўпламларини тузиш ва нашрга тайёрлаш тажрибасидан» мавзуидаги илмий маърузасида ифодалаб берди.

Олимнинг мулоҳазасига кўра, фольклор асарларини китоб ҳолига келтириш учун «энг яхши» варианти танлаб олинган халқ ижодининг ҳар бир намунаси куйловчи ва айтувчидан олинган дастлабки қўлёзма асосида нашрга тайёрланади.

– Маълумки, фольклор асарлари турли шевада сўзловчилардан ёзиб олинади. Шу сабабли унинг бир шевада сўзланганини иккинчи шева вакили бироз қийналиб тушунади ёки умуман тушунмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда фольклор асарини адабий тил нормаларига мувофиқлаштириб нашрга тайёрлаш эса уни жонли сўзлашув жараёнига хос хусусиятларидан маҳрум қилиб қўяди. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев бу борада шундай дейди:

– Ўзбек тили диалектлари ва шеваларининг кўплиги, фольклор асарларининг у ёки бу шевада яратилганлиги, уни яна бир шева вакилидан ёзиб олинганлиги туфайли шевалар учун характерли бўлган лексик, фонетик ва грамматик хусусиятлар ўз аксини топган. Бу ҳол фольклор матни тилини адабий талаффузга яқинлаштиришни талаб қилади. Бироқ адабий талаффузда бериш мумкин бўлмаган сўз ва ибора оригиналдагидек берилади ва илмий асосда изоҳланади. Айтайлик, фольклор матни тилини адабий талаффузга мослаштириш учун ҳар қандай фонетик ҳодисани йўқотиш акс натижа бериши мумкин. Чунончи, «Жайрағир» сўзи «Яйлагур» шаклида берилса, тамоман акс маънога эга бўлади. Унда «Яшамагур» маъноси бор. Шу сабабли у ёки бу фонетик ҳодисанинг сўз маъносига поэтик вазифасига қараб муносабатда бўлиш лозим.

– Тўра ака 1965 йил ««Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» мавзуида номзодлик ишини ёқлаган экансиз. Миллат ёшларининг тарбиясида достоннинг аҳамияти қай даражада деб ўйлайсиз?

– Халқимиз тафаккурининг ўлмас маънавий меъроси бўлган «Алпомиш» достонини таҳлил қилиш жараёнида йигирма саккиз нафар бахшиларимиз томонидан ушбу туркумда куйланаётган ўттиз учта вариантни ўрганишимга тўғри келди. Уларни қиёслаш ва таҳлил қилиш жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, битта мавзу, сюжет асосида яратилган мазкур вариантлар бадиий ва маънавий жиҳатдан ўзининг мукаммаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга экан. Ёшларимиз тарбиясида достоннинг роли ниҳоятда катта. Унинг ҳар бир сатрида халқимизнинг асрлар оша сайқалланиб: келаётган ҳикматлари, ўгитлари мужассам: «Созандалар созни чертар қўл билан», «Ёмон одам куйдиради тил билан...», «Давлат қўнса бир чивиннинг бошига, Семурғ қушлар салом айлар қошига...»

Ёки Барчиннинг Алпомишга мурожаатини келтирсак, «Йиқолмасанг менга бергин навбатни, Бир силтаб олиб, отсанг осмонга на бўлғай», деган мисраларни оладиган бўлсак, достон бир тарафдан маънавий ахлоқий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан бунда мардлик, жасорат, улуғланади. Достонда Барчиной бу сўзлари бежиз ишлатилмаган. Бизнинг заминда аёлларимиз азалдан ўзининг нафақат гўзаллиги билан балки, мардликда ҳам эркаклардан қолишмаслиги таъкидланади. Қолаверса, Барчиной образи орқали қадим туркийларнинг матонатли довюрак аёли гавдаланган.

– Ҳар бир халқнинг ўз миллий маънавий мероси мавжуд. Умуман ўзбек фольклоршунослиги бугун қай даражада ўрганилган ва унга жаҳон халқларининг қизиқиши қандай?

– Ўзбек халқ ижоди жаҳон халқларининг эпик ижод намуналари билан қиёсланганда маънавий бойлиги жиҳатдан улардан қолишмайди. Биргина мисол, «Гўрўғли» туркумидаги халқ оғзаки ижодини шу пайттача «Қирқ достон» дейилларди. Лекин фольклор архивидаги манбааларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирга қадар бахшилардан ёзиб олинган достонларнинг ўзи олтмиш иккитага етди. Улардан эса элликтаси нашр этилган. Бунга ҳали Хоразм бахшилари томонидан куйланган «Гўрўғли» туркумидаги достонлар кирмайди. Булардан ташқари бизгача чала мазмунда ва фақат номигина етиб келган ўнлаб достонлар мавжуд. Шуларни инобатга олиб, яқинда Раҳматилла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган йигирма олтита «Гўрўғли» туркумидаги достонларни катта китоб ҳолида нашр этдик. Бундан шу хулосага келса бўладики, ўзбек халқи орасида фақаттина ушбу туркумдаги достонларнинг ўзи юзга яқин экан. Жаҳон достончилиги нуқтаи назаридан қараганда мана шу битта туркумнинг ўзи фавқулодда ҳодиса. Бу даражадаги ранг-баранг сюжетга эга достонлар туркуми камдан-кам ҳолларда учрайди, десак тўғрироқ бўлади. Шу боисдан кўплаб хорижлик фольклоршуносларни ўзбек халқ оғзаки ижоди қизиқтириб келган. Ҳозирда достонларимиз рус, немис, турк сингари кўплаб тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг кўплаб халқлари томонидан ўқиб ўрганилмоқда.

– Айни пайтда сиз етакчилик қилаётган институт томонидан халқ оғзаки ижодини ўрганиш борасида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Институт миқёсида таъкидлайдиган бўлсак, кейинги ўн йилликда қилинган ишларнинг энг каттаси бу «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» қўлланмасининг яратилиши бўлди. Ҳозирга қадар беш жилддан иборат бўлган китобнинг уч жилди нашрдан чиқди. Яқинда китобнинг яна икки жилди кенг оммага ҳавола қилинади. Бундан ташқари Тил ва адабиёт институтининг барча адабиётшунос олимлари томонидан ўн беш жилддан иборат «Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи» китобини яратиш устида иш олиб бораяпмиз.

Фольклоршунос олим Тўра Мирзаевнинг матншунослик ва ноширчилик фаолиятида энг катта қилган ишлари бу «Алпомиш» достони ҳамда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек тилида «Булбул тароналари» беш жилдлик нашри бўлди. Халқ шоири қўлёзмаларини пухта ўрганиш, изоҳлар ва луғатлар билан таъминлаш асосида амалга оширилган бу куллиёт Эргаш шоир асарларининг энг мукаммали ва ҳозирга қадар наинки Марказий Осиё, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам бир бахши репертуарини жамлаган энг қўламли ва улкан тўплам бўлиб қолмоқда.

Тўра Мирзаевда халқ ижодиёти намуналаридаги ҳар бир сўзда тарих садоларини тинглай олиш, халқ турмуши манзараларини ўқий ва уқий билиш, халқ дардини туйиш ҳисси беҳад баланд. Шу сабабли у ўша сўзни дил-дилидан севиб қадрлайди. Ҳатто Тил ва адабиёт институтининг дунёда ягона Фольклор архивида икки минг жилддан зиёд китоб бўлиш даражасидаги халқ оғзаки бадиий мероси йиғилганидан бугун ҳақли равишда фахрланади. Таниқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Тўра Мирзаевнинг ижодий фаолияти кўпчиликка ўрнак.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Ғулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

БУХОРХУДОТ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Бухорхудотнинг шаҳар марказидаги ҳовлиси аркнинг ғарбий деворига яқин. Кенг ҳовли баланд пахса девор билан қўрғонсифат ўраб олинган, дарвоза олдида қуролли соқчилар турарди. Бунётнинг хос мулозими қарлуқ хоқони элчисини қўш тавақали дарвозадан эмас, балки қўрғон орқасидаги эшикдан бошлаб кирди. Заррин бўғчада совға-саломлар кўтариб олган элчи ёлғиз бўлиб, ҳамроҳлари карвонсаройда қолишган. Бухорхудотнинг пинҳоний чорловига элчи дарҳол розилик берди. Афтидан, бундай таклифни кутган бўлса керак, кўзга ташланмаслик учун одмироқ кийиниб, мулозимга эргашди. Кечки пайтга тайинлангани ҳам мулоқотга сирлилик бахш этарди. Мулозим ва элчи ҳувиллаган боғни оралаб, яланғочланиб қорайган дарахтлар тагидан ўтишди. Қовжироқ қалин барги хазон оёқ остида шағирларди. Баланд ғиштин уйга ҳам серҳашам айвон орқали эмас, ёндаги бир қаришда кўзга ташланмайдиган эшикдан киришди.

Мулозим элчини мўъжаз ҳашамдор хонага бошлади. Хона деворида ранго-ранг нақшлар, токчаларда олтин-кумуш буюмлар, ердаги момиқ гилам устига шоҳи, бахмал тўшаклар солиниб, парқу болишлар қўйилган. Бухороча зар чопон кийган Бунёт баланд хонтахта ортида чордона қуриб ўтирарди. Унинг либосидан тортиб, мева ва ҳолвалар қўйилган қимматбаҳо идиш-товоқларгача шифтга осиғлик қандилдаги шамлар ёруғида товланарди.

Бухорхудот элчининг саломига бош иргаб алик олди ва қаршисига ўтиришга ундади. Пахталик қора тўн ва чолвор кийган элчи шоҳи кўрпачага чўккалаб ўтирди. Одатий ҳол-аҳвол сўрашдан сўнг, Бунёт: «олисдаги дўст хабарин карвон келтирар», дея хоқоннинг қароргоҳи қаердалиги билан қизиқди.

– Улуғ хоқон манзилма-манзил кўчиб юрадурлар, – деди элчи ўнг қўли билан соқоли учини силаркан. – Бизнинг элнинг пода ва йилқилари еру кўкка сиғмайдур. Бир яйловда ўт-ўлан тугагач, бошқа ерга кўчамиз. Мен сафарга отланганимда улуғ хоқон Или соҳилидаги серўт яйловда қароргоҳ қурган эдилар. Ҳозир Балхаш кўли соҳилларида бўлсалар, ажаб эмас. Диёримизда Тароз, Суёб, Навокат, Илибалиқ, Барсхон, Болосоғун каби шаҳарлар бўлса-да, хоқон кам қўнадурлар ушбу кентларга. Қиш фаслидагина аларнинг бирон-тасини қишламоқ учун танлаб, саройда истиқомат қиладурлар. Баҳор келиши билан диққинафас шаҳарни тарк этиб, гуллолалар қийғос очилган дашт сари отланурлар.

Элчи ҳикоясини давом эттирар экан, мулозим чинни кўзадан кумуш қадаҳларга май тўлатиб, таъзим билан олдин Бунётга, сўнгра элчига узатди. Элчига май маъқул бўлди, қадаҳларни дам-бадам тўлатишга тўғри келди. Бунёт мийиғида кулиб сўради:

– Хўш, қимизнинг ўрнини босадурми?

– Нақ учмоқ[1] ичимлиги экан, бизда фақат хоқон ва хонзодалар ўтовида бўладур, – деди элчи бўшаган қадаҳни мулозимга узатаркан.

– Ҳаётимиз тамуғ[2] янглиғ бўлгани учун, учмоқ яратишнинг ягона воситаси май бўлиб қолди, – деди Бунёт сўлиш олиб.

– Биламиз, сизга қийин, аммо интиқом фурсати яқин. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир.

– Ким келтиради ўша ёруғ кунларни? Оқ кийимлиларми?

– Танҳо улар эмас. Бирлик бўлмагани учунгина Қутайба Туронни мағлуб эта олди. Турон бирлашса уни маҳв эта оладиган куч дунёда йўқ.

«Ўзи мададга муҳтож кимса бирликка чақирар экан-да» кўнглидан кечарди Бунётнинг. «Тургаш хоқони халифага қарши курашаётганда қарлуқлар орқадан хиёнаткорона зарба бериб, уни маҳв этишди. Энди эса туркийлараро иттифоқ зарурлиги ҳақида бонг уришмоқда. Нега шуни илгарироқ ўйлашмади? Тургашлар ва қарлуқлар бир-бирларини қириш ўрнига, ўз вақтида иттифоқ тузишганида Моваройннаҳр аллақачон озод этилмасмиди? Буюк турк хоқонлиги парчаланиб кетгач, туркий қабилаларнинг деярли ҳар бири ўз бошига бир хонлик тиклаб олди. Оқибатда туркнинг боши низолару кулфатдан чиқмаяпти. Араблар эса ягона давлатга бирлашган. Мана, уларнинг куч-қудрат манбаи қаерда!» Бунёт ўйларини сиртига чиқармасдан, элчига деди:

– Лекин ўша бирлик ҳозир ҳам йўқ-ку. Мана, Фаллух хоқон сени Хуросон ноибига элчи қилиб жўнатибдур. Халифа ва ноиби билан ҳар қанақа тинч муносабатларга чек қўйиб, ёлғиз қилич тили билан сўзлашса бўлмайдими хоқон?

– Элчи жўнатмоқ хоқонларга қадимдан одат. Улуғ хоқон доимо турк улуси ҳақида қайғурадилар.

– Хоқон менинг ўзимга қарата бирон гап-сўз айтмадими сенга?

– Айтди, лекин бу ниҳоятда махфий гап.

– Айтавер, шу боис сен билан холи гаплашяпмен-да!

– Хоқон Моваройннаҳрни озод қилишда сизнинг кўмагингизни истайдур.

Орага жимлик чўкди. Май таъсири ва ҳаяжондан юзлари қизарган элчи Бунётга тик қараб жавоб кутарди. Бухорхудотни эса унинг сўзлари ўйлатиб қўйди: «Моваройннаҳр озодлиги! Бу сўзларда, албатта, туман-туман кишиларнинг армони акс этган. Бундан хоқоннинг ва Муқаннанинг ҳам кўзлаган мақсадлари бор, шубҳасиз. Мендан ҳар иккаласи мадад сўрамоқда. Аммо менинг ҳам мақсадларим бор-ку! Моваройннаҳр тожу тахтига менинг ҳаққи ҳуқуқим аларникидан ортиқдир!»

– Бу ишда қандай ёрдам беришим мумкин? – деди Бунёт дудмаллик билан. – Бухорхудот бўлсам-да, кажрав фалакнинг гардиши билан халифа волийсининг хизматкори даражасига тушиб қолганмен.

– Лекин сиз қадимий сулолага мансубсиз ва аҳоли орасида мавқеингиз бор. Ўз мулкингиз учун курашга кўзғалсангиз, тарафдорлар бисёр. Ғалабадан сўнг бобомерос мулкингиз Бухорода шоҳ бўлурсиз.

Пинҳоний ўй-ниятларига, дили тубида ҳамиша ардоқлаб юрадиган армонларига ҳамоҳанг бу сўзлар Бунётни жунбушга келтирди. Бироқ Бухорхудот ҳаяжонини босди. Моваройннаҳр бу – фақат Бухоро дегани эмас. Ғалабадан сўнг бошқалар ундан каттароқ улуш олишса, бу адолатдан бўлурми?

– Моваройннаҳрда Бухородан бошқа вилоятлар ҳам кўп. Бир нечтаси аллақачон оқ кийимлилар қўлига ўтди. Аларнинг йўлбошчиси Муқанна халифа саркардаларини кетма-кет мағлуб этаётир. Турган гапки, хоқон ва Муқанна ўртасида ҳам қандайдир музокаралар олиб борилмоқда.

Энди элчи ўйга чўмди. Пешонаси билинар-билинмас тиришди. Май сунмоқчи бўлган мулозимга қўли билан «етар» ишорасини қилди. Соқолини силаб, салмоқлаб гапира бошлади:

– Ой тўлин бўлса, илигин имламас.[3] Қамуғ[4] турк элларида Муқанна улуғ эр сифатида от қозонди. Халифага қарши курашнинг йўлбошчиси у! Шу боис, у билан келишиб, иттифоқликда ҳаракат қилишимиз лозим. Турон улуғлари бир-бирларига рақиб эмас, балки иттифоқчи бўлсалар-гина кураш ғалаба келтирарлик кўлам касб этадур.



– Шундай экан, иттифоқчилар бир-бирларидан режаларини махфий тутмасликлари лозим. Муқаннанинг элчиси хоқон ўрдасида бўлганидан хабарим бор, аммо алар не хусусда музокаралар олиб боришгани менга маълум эмас.

– Халифага қарши биргаликда курашиш хусусида иттифоқ тузилди. Бундан ташқари, Муқанна ўз элчиси орқали хоқонимизни уйғур хоқони Идиғон билан ярашишга чақирди. «Қарлуқлар ва уйғурлар орасидаги низолар душманлар тегирмонига сув қуядур», деди у. Унинг воситаси билан икки ўртада сулҳ тузилди.

– Ўҳ-ҳў, Муқаннанинг обрўси Моваройннаҳрдан ташқарида ҳам зўр-ку, – деди Бунёт ҳасади келгандек кесатиқ билан. – У уйғур хоқонидан ҳам мадад сўрашни эсидан чиқармагандир.

– Бундан воқиф эмасмиз. Аммо хоқон Идиғоннинг мадад бергулик ҳоли йўқ. Хитойлар билан урушда уйғурлар кўп талафот кўрди.

– Хоқон шу пайтгача Муқаннага не мадад кўрсатди?

– Чоч тудуни[5] оқ байроқ кўтариб, Муқаннага издош бўлганида хоқон сарҳаддаги бу вилоятга бир бўлук отлиқ жўнатди. Тудун арабларни вилоятидан қувиб чиқариб, Муқаннага тобелик изҳор қилди. Муқанна Чочга халифа оладиганидан икки баравар кам хирож белгилади. Тудун шу хирожни тўлаб, маълум миқдорда аскарий мадад бериб турса бас. Бошқа барча ишларда у мустақилдир. Фарғонанинг қадим шоҳлари хонадонидан ҳеч ким қолмагани учун бу вилоятни Муқанна саркардаси бошқаради. Усрушана[6] ҳам оқ кийимлилар қўл остида.

(Давоми бор).

Изоҳлар:
1. Учмоқ – жаннат.
2. Тамуғ – дўзах.
3. Тўлин ой қўл билан кўрсатилмайди.
4. Қамуғ – барча, ҳамма.
5. Тудун – Чоч (Шош) вилояти ҳокимлари сулоласи унвони. Туркий «тутмоқ» сўзи билан ўзакдош.
6. Усрушана – Ҳозирги Тожикистондаги Ўратепа тумани ва унга ёндош ҳудудларни ўз ичига олган вилоят.

Наши юбиляры

ЗДЕСЬ МОЙ ДОМ РОДНОЙ

Имя Николая Буртышева хорошо известно читателям нашей газеты. На протяжении многих лет его заметки, статьи и особенно стихи регулярно печатаются на страницах «Ватанпарвара». На днях одному из самых активных наших нештатных корреспондентов исполнится 75 лет.

Поэтический дар у Николая Яковлевича проснулся с самых ранних лет, он даже сочинения в школе писал стихами. По окончании 10-го класса романтически настроенный юноша навсегда определил свою судьбу, поступив в военное училище. Служба в войсках, отличная учеба в Академии тыла и транспорта, аспирантура при Институте химии, большая научная работа, более ста научных статей в различных журналах – жизнь подполковника в отставке Н. Буртышева была наполнена многими яркими страницами. Его личное участие в них неизменно находило отражение в его поэзии. Даже в наполненной повседневными хлопотами служебной деятельности находил он время для творчества. В результате рождались на свет стихи, многие из которых, кстати, были переложены на музыку.

– Кочевая военная жизнь привела меня в нашу прекрасную многонациональную дружную республику, – говорит поэт.– Узбекистан стал моим родимым краем и моей поэтической родиной. Здесь с первых лет независимости я начал активно публиковаться, издавать альманахи поэзии.

Данное природой умение работать в таком нелегком жанре, как поэзия, Николай Яковлевич талантливо использует во благо людям. Его поэтические произведения глубоко патриотичны, отражают ключевые моменты нашей жизни. Наряду с произведениями, посвященными ветеранам Второй мировой войны и новому поколению защитников Родины, читателям хорошо запомнились его стихотворения на актуальную тему борьбы с терроризмом. Среди других удач автора можно назвать редкий по своему исполнению литературно-лирический цикл, посвященный государственным символам Республики: «Гимн», «Флаг», «Герб».

Годы нисколько не сказываются на работоспособности Николая Яковлевича. Просто с высоты прожитых лет и приобретенного опыта он гораздо глубже осмысливает те важнейшие события современности, свидетелем которых ему выпало быть. Основная часть его поэтических произведений – о сегодняшнем воине Вооруженных Сил Республики Узбекистан, о его верности народу, воинскому долгу и своему молодому независимому государству. Ветеран молод душой, он по-прежнему в воинском строю, полон новых идей и творческих планов.

В. НИКОЛАЕВ.

От редакции. Коллектив «Ватанпарвара» поздравляет юбиляра. Желаем нашему автору крепкого здоровья, новых творческих успехов.

ПАРК МУЖЕСТВА

В тенистом парке Мужества
в Ташкенте,
Там, где военной техники музей,
Здесь в бронзе, на высоком постаменте
Стоит защитник Родины моей.
Скульптурный комплекс,
кстати, дополняет
Музей Центральный –
за его спиной,
А на фронтоне –
список именной,
Он павших на войне перечисляет...
Вы по Аллее славы в парк войдете:
«Музей под небом» вас ошеломит –
По экспонатам сразу же поймете,
О чем теперь оружие молчит...
Экскурсиями он весьма богат –
Сюда охотно школьники приходят,
Они все знать об армии хотят,
И для себя полезное находят...
Когда же парк ребята покидают,
Считает каждый –
он служить готов.
Нам предки не случайно завещали,
Наследникам своим,
не забывать,
Чтоб мы покой страны оберегали,
Ее любили, как родную мать!..
Парк Мужества забвение не ждет,
Его не в силах тронуть увяданье –
Он боевой историей живет,
Оправдывая тем свое названье!

Николай БУРТЫШЕВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъул: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4163. **Адади** 23800.